1) Участки зеленых насаждений должны обладать соответствующими природными данными (вид почвы – на территории Узбекистана в населенных пунктах почва может иметь суглинки, каменистую или песчаную основу, солончаки; специфика климатических особенностей района, виды растений.)

2) Зеленые насаждения общественного пользования распределяют равномерно на селитебной территории таким образом, что бы они оказывали благотворное влияние на санитарно-гигиеническое состояние города в целом и обеспечивали условия для организации отдыха.

3) Взаимовязка и членение зелеными насаждениями селитебной зоны на городские (торговые, бытовые) и жилые районы, микрорайоны и жилые группы.

4) Организация зеленых насаждений в виде крупных массивов городских районных парков, садов, скверов, связанных между собой бульварами, аллеями, озелененными улицами и набережными; Данное направление в практике городского озеленения актуально и положительно воспринимаются жителями города).

При озеленении города и населенных мест необходимо создание единой системы зеленых

насаждений, их равномерное и плановое размещение в городской застройке, функциональное зонирование территорий, повышающих гигиеническую эффективность и художественный уровень озеленения, с соблюдением агротехнических требований.

Одним из основных предназначений зеленых насаждений в странах с жарким климатом является не только затенение всякого рода построек, улиц, территорий, но и естественным, своего рода, охладителем, особенно в комплексе с водными водоемами. Крона деревьев поглощает большое количество тепла, затрачивая его на испарение влаги, содержащей в листве, а при испарении влаги происходит естественное температуры окружающего воздуха.

Основной задачей архитекторов, ландшафтников и озеленителей, используя вековой опыт народного озеленения и садоводства, а также используя новые технологии систем городского озеленения, имея в своем арсенале множество новых, адаптированных в нашем жарком климате, деревьев и кустарников, успешно решают вопросы создания комфортного проживания человека в городах и селах. При этом решаются не только задачи художественного озеленения и охлаждения воздуха в местах проживания, но и основной, не менее важный вопрос мегаполисов – очищения воздуха от загрязнения его промышленными и автомобильными выбросами. Экологический вопрос на современном его этапе стоит особенно остро и актуален.

При современном городском зеленом строительстве специалистам – озеленителям особенно важно знать какой вид зеленых насаждений необходим в плотной городской современной застройке. Процент озеленения в крупных городах настолько низок, что архитекторам при проектировании архитектурных зданий, ансамблей, градостроительных комплексов обязаны в содружестве с озеленителями решать вопросы зеленого ландшафта и выбор тех или иных деревьев и кустарников.

В садово - парковом строительстве вниманию озеленителей привлекают те деревья, которые отличаются от обычных, привычных для глаз форм (ясень, чинара и др.) их индивидуальной особенностью – форма кроны и ее специфика, окраска листьев и цветовая гамма, генетическая направленность ветвей и прочие их особенности – каштан, пирамидальный дуб, японская акация, тюльпановое дерево, крымская сосна и др. Особенно сильное впечатление такие необычные формы производят в том случае, когда экземпляры этих деревьев умело и

художественно размещены на озелененной территории. От размещения и компоновки деревьев, кустарников и травянистых особей в садах, парках, бульварах зависит художественная ценность того или другого зеленого массива. Необходимо знание не только видового состава годных для зеленого строительства видов деревьев и кустарников, но и иметь достойное представление о том какими формами обладает данный вид в его внутривидовом разнообразии. Как происходит динамика развития растений. Каковы их жизненные требования (климатические, почвенные, гидрологические, световые и т. п.).

Деревья с конусовидной или веретенообразной кроной могут иметь широкую или узкую форму (пирамидальные дубы, растущие в окружении концертного зала “Истиклол”). Плотная рядовая посадка пирамидального серебристого тополя в районе Бекабада препятствует проникновению в жилые районы господствующих сильных ветров и пыльных бурь.

Большой художественный эффект дают деревья и кустарники с шаровидной кроной, особенно если их крона густая и имеет правильную геометрическую форму. Такие деревья чаще всего размещают отдельными экземплярами или не большими группами (3-5) на широких лужайках и газонах, на углах при разветвлении дорог, по углам площадок, около монументов и памятников или вдоль прямых аллей, преимущественно в 1-2 ряда.



Рисунок 2. Ландшафт («Голубые купола»)

На площади Мустакиллик, в окружении театра Туркистон, кафе Голубые Купола и в др. местах отдыха Ташкента, в их зеленых зонах параллельно с хвойными деревьями можно увидеть аккуратно подстриженными опытными садовниками. Такие шарообразные деревья (декоративный тут) являются особым украшением растительного ландшафта. Однако известно немало видов деревьев и кустарников, у которых шаровидная крона является прирочденной. Большинство таких растений светолюбивы, а поэтому хорошо сохраняют густую, природой данную ей, крону только в том случае, если они посажены на открытых, не затененных местах.

В городах Узбекистана (в Ташкенте, Самарканде, Фергане и в др.г.) можно встретить своеобразные садово-парковые насаждения – деревья и кустарники с ниспадающими ветками – “плакучей” формой кроной. У одних плакучих форм развитие кроны развитое и имеют густую, высокую, широкую в диаметре, свешивающую на большую или меньшую длину гибких ветвей крону, придающей форме дерева индивидуальное своеобразие и особую красоту. К таким деревьям и кустарникам относятся плакучая береза (их можно увидеть в окружении стадион и театра “Туркистон”), плакучая (вавилонская) ива – растущие вдоль набережной Анхора (в р-не южных ворот входной части на стадион Пахтакор и в районе музея Олимпийской Славы). Данный тип дерева хорошо прижился в городском зеленом ландшафте, не прихотлив и обогащает художественное восприятие окружающей застройки. Дерево экологически чистое, активно поглощающее углекислый газ, выделяя кислород и любившееся жителями города.

Все выше перечисленные типы и виды деревьев являются далеко не полным ассортиментом всех видов растущих на территории Узбекистана.

Цель настоящей статьи состоит не только в том, что бы привлечь внимание специалистов

тех или иных форм деревьев и кустарников, в строительстве садов и парков городов Узбекистана, но и в том, чтобы побудить внимание ботаников, дендрологов, специалистов по садово – парковому искусству и архитекторов ландшафтного дизайна к внимательному изучению разнообразия сортов и форм, растущих на территории нашей солнечной страны. Максимально вводить новые виды и сорта растений, деревьев, привезенных из других регионов и стран в Узбекистан, для обогащения местной флоры. Это введение позволяет к постепенному и систематизированному улучшению оформления садов и парков, и делает их более высоко художественными направлено к максимальному удовлетворению чувств и требований жителей Узбекистана.

Концепция садово – паркового искусства, согласно историческим сведениям, наряду с дворцовой и культовой архитектурой, была на высоком художественном уровне. Данная тенденция развития ландшафтного дизайна в системе современного зеленого строительства как в современных, так и в исторических городах культивируется и в настоящее время с одной лишь целью – украшать и обогащать наш солнечный Узбекистан на благо не только наших жителей, но и всего человечества в целом.

Литературы:

1. Озеленение городов. Ред. Коллегия: И.Д.Родичкин, А.К.Салатич, С.И.Северин.
2. Культура озеленения проф. д.б.н. Печеницин В.П. проф. д.физ.мат. н. Азамов А.А. К.б.н. Штонда Н.И. к.б.н. Есипов Т.В.
3. Соколова С.Я. Интродукция растений и зеленое строительство. Выпуск 4.
4. Location of plants. Alekhin VV Kudryashov L. Govorukhin VS vegetation cover Uzbekistan. Volume 1, Volume 3.
5. City in hot climates. Rimsha, Hagan S. Taking Shape: A New Contract between
6. Architecture and Nature, Architectural Press, St. Louis, USA (2001).

ЦВЕТ В ПОМЕЩЕНИИ

Бабаканов О.Н. старший преподаватель,
Абдиев Х.Дж., Юнусова К.Б. ассистенты (СамГАСИ)

Ушбу мақолада рангларнинг хусусиятлари ва уларни хоналарда тўғри қўллаш ҳақида маълумотлар берилган.

In this article the characteristics of colors and their proper usages in accommodation are given.

Окраска зависит от освещения. При уменьшении силы света цвета до неузнаваемости темнеют. Дневной свет содержит все оттенки

цветов. Свет обычной лампы накаливания содержит мало фиолетовых тонов, зато больше желтых и много красных.



Цвет светлых стен заметно меняется в зависимости от типа источника света. Например, при электрическом освещении светло-синие тона становятся серыми, фиолетовые — красновато-коричневыми, темно-синие — серовато-коричневыми. При свете ламп дневного света красные тона кажутся фиолетовыми, оранжевые коричневатыми и желтые зелеными. Желтый цвет натриевой лампы увеличивает остроту видения (используются в туманных фарах машин). По сравнению с электрической лампочкой она кажется менее яркой, вследствие чего она не ослепляет, но синие оттенки при этом свете кажутся зеленовато-серыми. Окраска меняется также в зависимости от близости находящихся цветов. Например, синий вблизи желтого приобретает фиолетовый оттенок, рядом с красным, однако, этот же синий становится зеленоватым. Желтый рядом с синим приобретает оттенок оранжевого.

То, как мы видим цвет, зависит и от коэффициента отражения света. Например, полированный алюминий отражает 90% света. Цинковые белила отражают до 80% света. Белые кафельные плитки 70%, белая бумага 68%, известь 66%, светлые обои 65%, силикатные кирпичи 60%, желтая масляная краска 55%, серые, цвета песка обои 50%, желтый кирпич 45%, синяя масляная краска 35%, красный кирпич 30%, красная масляная краска 15%, темно-синяя масляная краска 10%, зеленая масляная краска 8%, темно-серая масляная краска 7%. Черный цвет отражает только 3% света (поглощает 97%). Из этого следует, чем больше отражается света от цветной поверхности, тем лучше он виден, тем более он выделяется, чем меньше отражается света от поверхности, тем темнее он, тем слабее виден, тем неопределеннее его местонахождение. Поэтому и с помо-


щью света проще всего зрительно изменить помещение, расширить его или оптически вытянуть, сузить, сделать выше. Темные или светлые цвета (например, светлая мебель и темные стены или наоборот) могут сделать помещение с гладкими стенами оптически рельефным, пластичным. Окрасив мебель или другие предметы под цвет стен, можем их визуально замаскировать, слить воедино со стенами в невидимые предметы. Светлые теплые (желтые) тона бросаются в глаза, оптически приближаются к нам. Темные холодные (синие) тона как будто отдаляются от нас.



Оттенки кажутся тем холоднее, чем ближе они к синему цвету, и тем теплее, чем ближе к красному. Светлые (с добавлением белого) оттенки цветов кажутся тоже холоднее, а темные (с добавлением черного) теплее. Человеческий глаз восприимчив максимально к зеленому цвету, восприимчивость снижается к фиолетовым и красным цветам. В пределах инфракрасного и ультрафиолетового излучения глаз вообще не видит. Глаз различает легче всего оттенки красного и фиолетового, хуже всего оттенки желтого.

В помещении, где мы работаем или учимся, следует особенно тщательно выбирать цвета, поскольку они могут стимулировать или же вовсе нарушить нашу способность концентрироваться. Мало того, что рабочие поверхности и приспособления подходят по размеру и правильно расставлены, нужно исследовать и воздействие цвета, чтобы создать оптимально удобный визуальный климат. Красные и оранжевые тона теплые и приятные, но при продолжительном воздействии возбуждают, уменьшая способность концентрироваться, увеличивая кровяное давление, мышечное напряжение, ритм дыхания. Поэтому в такой среде мы быстро устаем. Достаточный желтый цвет стимулирует зрение и работу мозга. Тем-

ные тусклые желтовато- и коричневатозеленые цвета нейтральны, и действуют успокаивающе. В рабочем помещении зеленого цвета легко сконцентрироваться, приятно работать, тем самым создан оптимальный, спокойный климат. Если холодные и прохладные тона не нравятся, можно использовать темные золотисто-коричневые тона, тоже уравновешенные и нейтральные. Черный и белый называют нейтральными цветами, с ними легко согласовывать другие цвета, но и контраст черного—белого не должен быть слишком большим. Например, белый лист бумаги на угольно-черном лакированном столе, черный телефон на белоснежной полке или черная доска на белой школьной стене — все это слишком напрягает глаза. Испытано, что бумага зеленовато-серого тона меньше утомляет глаза, чем ярко-белая.



Помещение, окрашенное в слишком активные тона, быстро утомляет глаза. Хотя детям и нравятся яркие краски, ими в детском помещении нельзя злоупотреблять, следует избегать излишней пестроты. Такие помещения вызывают повышенное беспокойство и психический стресс. Активными красками можно окрашивать помещения, которые мы используем сравнительно кратковременно: коридоры, вестибюли, маленькие буфеты, кафе и др. Особенно агрессивна комбинация красный—зеленый, которыми может достичь хорошего результата только очень хороший специалист.

В спальне необходима полная тишина и покой. В ней мы прикрываем внешний свет темными занавесями, цвет стен выбираем тусклых темно-зеленых и темно-синих оттенков, не отражающих свет. Простейшее цветовое решение — ограничение двумя тонами или только одним цветом — при монохромном окрашивании.

Ниже предлагается таблица восприятия человеком цвета в зависимости от его расположение в интерьере.

Цвет	Локализация		
	вверху	боковые поверхности или перспективы	внизу
Красный	Возбуждает, мобилизует, оказывает эротогенное воздействие	Возбуждает	Воспринимается неестественно, может «обжигать»
Розовый	Ощущение легкости, счастья	Чество счастья, нежности	Часто ассоциируется с обонятельными ощущениями
Оранжевый	Способствует концентрации внимания	Ощущение тепла способствует релаксации	Эффект принадлежности и тепла, иногда воспринимается неестественно
Жёлтый	Вызывает приятные ощущения разрядки, отвлечения, способствует релаксации	Возбуждает, может вызывать неприятные ощущения	Эффект приподнятости иногда парения
Зеленый	Воспринимается неестественно	Успокаивает	Успокаивает, охлаждает, может оказывать снотворное действие
Голубой	Ощущение легкости. Способствует релаксации	Охлаждает, вызывает отчуждение	Охлаждает (более выражено, чем зеленый)
Коричневый	Чувство тяжести, давления (для усиления чувства тяжести использовать не рекомендуется)	Угнетает, усиливает ипохондрическую настроенность	Ощущение уверенности, твердости
Синий	Вызывает тревожность, беспокойство	Отчуждение	Тревога, холод, ощущение «бездны»

Литература:

1. Архитектурная колористика. Цвет в интерьере: учебное пособие для студентов специальности 270301 «Архитектура»/ В.Ю.Рыбникова, И.В.Кулага. – Кострома: КГСХА, 2007. 40 с.
2. Джилл М. Гармония цвета в дизайне интерьера. – М.: Астрель, 2003 г.
3. Цойгнер Г. Учение о цвете. –Москва, 1971.

ХОРАЗМ МЕЪМОРЛИГИДА ТУРАР ЖОЙ ҚУРИЛИШ УСУЛЛАРИ

Матчонов Б.Г., к.и.х.и.; Саидов М.С. доцент (ТАҚИ)

В статье рассмотрены традиции и архитектурно-планировочные особенности жилищного строительства зодчих Хорезма.

This article presents traditional planned residential building properties of Khorezm architects.

Хоразм маданияти ўзининг илм-фан ва меъморчилик санъати билан дунё тамандудига ҳисса қўшган халқ сифатида намоён бўлиб қелмоқда, яъни асрлар давомида шаклланган, ривожланган Хоразмда ўзига хос миллий меъморчилик мактаби шаклланган. Бу воҳада яратилган ва сайқал топган тарихий обидалар эса дунё аҳлини лол қолдириб қелмоқда.

Бугунги кунда қадимий обидалар, тарихий турар-жойларнинг қурилиш ечимларини ўрганиш ва изланиш ҳозирги замон лойиҳавий ҳамда амалий ишларда тадбиқ этиш, сақлаш долзарб аҳамиятга эга муаммолардан биридир. Хоразм уй-жойлар тўғрисидаги тадқиқ қилинган маълумотлар жуда кам ўрганилган ва матбуот нашриётларида ҳам кам ёритилган.

Қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш даражасини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида» ПҚ-2639 сонли қарори қабул қилинди.

Дастурда белгиланган асосий йўналишларда:

- яшаш учун ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам, арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

- қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун ажратилган турар жой массивларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш;

- конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш ҳисобига лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, барпо этилаётган уйлар таннархини пасайтириш;

- энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш;

- жойларда қурилиш индустриясини ривожлантириш, пудрат ташкилотларининг қувватларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Дастурда белгиланган асосий йўналишлар айнан Хоразм вилояти иқлим шароитига мос

ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантира олиши билан аҳамият касб этади.

Хоразм турар уйларини ўрганиш натижасида, халқ меъморчилиги туб илдизи минг йилликлар давомида қандай шаклланган ва ривожланганлигини кўрсатади. Бу турар-уйлар қатъий қонуният асосида яъни чиройли мустаҳкам ва истиқомат қилувчи инсонларнинг яшаши учун қулай тарзда қурилганлигини кўради.

XIX асрда Ўрта Осиё бўйича Хива хонлигида бошқа вилоятларга нисбатан қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилган. Бу ерда саройлар, мадрасалар, масжид, миноралар, қарвон саройлар, мақбаралар ва турар жойлар шулар жумласидандир.

Хоразм шаҳарларининг қиёфаси ва биноларнинг шаҳар ҳудудида жойлашуви, шаҳарнинг умумий колорити-ранги ечими, иншоотларнинг композицион жиҳатлари илмий манбалардан маълум [1].

Хоразмнинг ўзига хос иқлими (сахрога яқинлиги), бу ерда ёз жуда иссиқ, қиш эса совуқ бўлиши аҳолининг жойлашиши, шаҳарларнинг ривожланишига ва уй-жойларнинг режавий тузилишига ва шаклига таъсир қилган. Қадимда аҳоли суғориш тармоқларига яқин жойда, кўплаб мустаҳкам қўрғонлар қурилиши билан бир қаторда улар атрофида қишлоқлар вужудга кела бошлади. Бу ерларда катта мулк эгаларининг қўшқ қўрғонлари атрофидаги уйлар асосан чўбқори услубида қурилган оддий бинолардан иборат бўлган, бу чўбқори иморатлар пахса деворли иморатлар каби узок сақланмаган. Пахса деворли уйлар қурилиши асосан қишлоқ жойларида барпо этилган ва бу пахса деворлар қалин лой билан тикланган ва жуда мустаҳкам қилиб қурилган.

Шаҳарларда эса аксинча ер майдони етарли эмаслиги учун ниғирик (синчли) ва қўш ниғирикли иморатлар қуриш қулай бўлган. Хива уйларининг конструктив асосини ниғирик девор ташкил этиб, синчлар орасига хом ва пишиқ ғишт билан лой урилган. Т.С. Страмцованинг изланиши ва ҳисобига қараганда пахса уйлардан кўра ниғирик уйларда унумли майдон 30-35% ташкил этади [2]. Бу ердаги ёзги ва қишги хоналарнинг жойлашуви катта-кичиклиги, безаклари Бухоро ва Самарқанд уй-жойларидан фарқ қилади. XIX аср ўрталарида рус сайёҳи Н.Ханыков Бухоро шаҳрига саёҳат

қилган ва халқ турар-уйлар тўғрисида “Бухоро уйлари асосан пахса ва хом ғиштдан қурилган бўлиб хоналар интерьер безаклари ганчдан дид билан лекин оддий ҳашамсиз қилиб безатилган” деган фикрларни ёзиб қолдирган [3]. Хива уй-жойларини режаси иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳар бир уйда шимол ва жануб томонга қаратиб айвон қурилади, айвон хоналар ва ҳовли ҳавосини янгилаб туришга мўлжалланган. Бу ердаги айвонлар икки хил тузилишга эга. Улли (улуғ) айвон хонанинг олд қисмини эгаллаган ва ундан анча баланд кўтарилган бўлиб, баландлиги 7-8 метрни ташкил этади. Унинг қаршисида тескари жанубга қаратилган кичикроқ айвон қурилади. Улли айвон шамол эсадиган томонга яъни шимолга қаратилган бўлиб, шамолни ҳовлига йўналтирган. Бунинг қизиқарли ечими шундаки, иккала айвон ҳам ҳовлини том билан ёпгандек туюлади. Бу билан айвон ўз вазифасидан ташқари иморатнинг умумий композициясини бадиийлаштирган ва унинг меъморий ечимини бойитган.



Хива. Турар уй кўриниши.

Бундан кўришиб турибдики, шаҳар турар жой режасида ёпиқлик сақланиб қолинган. Бу ҳол қишлоқ ҳовлилари учун ҳам хос бўлиб, уй майдони асосан икки қисмга: ярми ташқари, ярми ичкари қисмларга бўлинган. Биринчи қисмда ҳовлига кириш йўлаги устига баъзан уй эгаси меҳмонларни қабул қилиш учун меҳмонхона қурилган, касби-қоридан келиб чиқиб ҳунармандчилик ишларини учун устахона ва омборхона каби ёрдамчи хоналар жойлаштирилган. Ичкари қисмда эса оила аъзолари учун ётоқхона, ошхона каби хоналар қурилган. Турар жой ёруғлик тушишини ҳисобга олиниб қатъий равишда ориентация қилинади, қишқи яшаш хоналари жанубий шарқ, ғарб томонга, ёзги хоналар эса шимол томонга жойлаштирилиб тикланади.

Хива уй-жойлари учун яна бир характерли бўлган умумийлик шундан иборатки, хоналарни пардозлаш беағи кам ишлатилган. Хона ва айвон деворлари безаксиз сомонли лой сувоқдан, уйнинг шипи тоқи ва ярим лўла тўсиқлардан иборат. Айрим уйларда ганчдан ишланган ўймакор безаклар учрайди. Кўпчилик ту-

рар-жойларда, бирдан бир безак катта айвоннинг ўймакор ёғоч устунидир. Бундан ташқари ўймакор эшиклар, панжаралар ва баъзи кўтарма айвонлар ҳам хонадонга кўркамлик бағишлайди. Ҳатто оддий услубда қурилган уйлар ҳам миллий меъморчилик, халқ санъатининг энг яхши анъаналарини ўрганишга ва изланиш учун маълумот беради.



Ислои Хўжа ёзги қароргоҳи. Хона интерьери.

Халқ усталари, миллий анъаналарни устачилик сир-асрорларни авлоддан-авлодга мерос қолдиришган. Маҳаллий қонуниятлар меъморчилик усуллари билан уйғунлашиб бир-бирини такрорланмас меъморий санъат асарлари вужудга келган. Айрим меъмор қурувчилар номларини тарихий обидаларнинг деворий нақшларида, хона шипларида учратамиз, бунга сабаб ўша даврларда йирик қурилиш ишларига асосан хонлар ёқи зодагонлар бўлган ва қурилган бино иншоотлар буюртмачи номлари билан аталганлиги сабабли кўпчилик меъморлар номлари бизгача етиб келмаган.

Хоразмлик бинокор усталар деворларни гидроизоляция қилишга катта аҳамият берганлар ва ганчдан сарой деворларини ва полларини сувоқ қилишган ва ўрта асрлардан бошлаб қурилиш ишларида ганчдан меъморчиликда пардозлашда ҳам кенг фойдаланилган. Шипларга қизғиш-жигарранг бўёқ берилиб, бўртма гирих ва ҳавзак ишланган.

Шу ўринда қўлланилган қурилиш ашёлари билан батафсил танишиб ўтсак. Хоразм воҳасида қурилиш ашёлари унча кўп бўлмаган, қадимги даврлардан бошлаб асосий қурилиш ашёлари қумтош, талк, тош, оҳак, мрамар, ганч, гранит каби ашёлар Хивадан узокроқ Аму дарёнинг чап қирғоғидаги Султон Увайс тоғидан қазиб олинган [4].

Қурилиш ашёлари қаторида ёғоч ҳам шаҳар-созлик қурилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. XIII асрда яшаб ижод этган Қазвиний, Хоразм аҳолиси орасида моҳир иморатсоз усталар кўп эканини таъкидлаган. У Хоразм шаҳарлари қурилиш ишларида тол ёғочи кенг қўлланилганлигини ёзиб қолдирган. Қазвинийнинг кўр-

сатишича, тол ёғочидан қурилган иморат енгил ва бу ерларда бўлиб турадиган зилзилаларга чидамли бўлган.

Ёғоч ўймакорлик санъатининг асосий марказларидан бири Хивадир. Хоразм қалъаларидаги турар жойлар, масжидлар, одатда ҳовли ва унинг атрофидаги хоналар ва айвонлардан иборат бўлган. Усталар бундай айвонларни қуришда, жумладан нозик ўйма нақшлардан ташкил топган устунларни, айвон карнизларини, шифти ва деворларни ҳамда эшикларини ясашда ёғоч ашёдан фойдаланишган.

Буларнинг ҳаммаси маҳаллий меъморчилик шакллари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Хивада XVIII асрнинг охири ва XIX аср давомида ўзига хос меъморчилик мактабининг ижодий юксалишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳам хоразмлик мохир усталар ота боболари анъанасини давом қилдириб ганч,

мармар, ёғочдан нафис меъморий санъат асарлар яратмоқдалар. Улар нафақат Хивада, балки республикамиздаги қадимий обидалар жумладан саройлар, масжид, мадрасалар, макбаларни таъмирлаш ишларида ҳам фаол ва маҳоратли қатнашмоқдалар. Бу эса ҳалқимизнинг ижод булоқлари чуқур ва қадимийлигидан далолатдир.

Адабиёт:

1. Ғуломов Я.Ғ. Памятники города Хивы. Т.:УзФАН, 1941.
2. Страмцовой Т.С. Ҳисобот. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги моддий маданий мерос объекти.
3. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства, СПб 1843. 91 б.
4. Засыпкин Б.Н. Своды в архитектуре Узбекистана, «Архитектурное наследие», №13, М.:1961.

СОДДА ВА МУРАККАБ ТОПИАР ФИГУРАЛАР

Жонузаков А. Э., (СамДАҚИ)

В статье рассказывается о топиарных фигурах, в которых формируется у одних легко, в других сложно. Это может быть простые геометрические формы или фигуры животных или человека. Сложность зависит и от выбора растений или от метода их формирования.

In clause it is told about topiari figures, in which is formed at one easily, in others it is complex(difficult). It can be the simple geometrical forms either figures of animals or man. Complexity to depend and on a choice of plants or from a method of their formation.

Анъанавий топиар фигураларнинг барча ранг-баранглигини *содда* ва *мураккаб* турларга ажратишимиз мумкин. Шакллантиришнинг қийинлик даражаси ушбу ажратишнинг мезони бўлиб хизмат қилади.

Содда фигуралар. Куб, шар, конус, цилиндр, пирамида каби содда геометрик фигуралар классик шакллар ҳисобланади, улардан топиар яратиш енгил. Уларни яратиш учун симдан лекала, рейка ёки бамбук қўлланилади. Аммо, бахтга қарши шар, цилиндр ва конус учун аниқ лекала яшашнинг иложи йўқ. Шунинг учун, олдин уларнинг четлари учли қилириб, кейин кўз билан чамалаб ёйсимон қилинади.

Куб. Куб бежизга биринчи ўринда турмайди – уни топиар санъатида янги киши ҳам осонгина ярата олади.

Куб битта ёши каттароқ ўсимликдан шакллантирилади, ёки квадрат тарзида 5 ёки кўпроқ ёш кўчат ўтқазилиб, у ўсиши ва қузалиши билан тўла тигиз кубикка айланади.



Пирамида. Соддалиги бўйича иккинчи ўринда – пирамида. Унинг ўткир учларини айланаларга қараганда осон шакллантириш мумкин.



Пирамиданинг асоси учбурчак, тўртбурчак ёки олтибурчак бўлиши мумкин. Ёқларини идеал текис қилиш учун майдабаргли, да-

рахт ва буталарга катта ўрин бериш лозим.

Шар (сфера). Шар шаклга иккита усул билан эришиш мумкин:

1. олдин куб шакллантирилади, кейин бурчаклари силликланиб чиқилади.
2. Лекало бўйича усти гумбазли цилиндр шакллантирилади, сўнгра цилиндрнинг ўртасидан бошлаб, асос айлана (ярим шар) холига келтирилади.

Яримшар. Шарга қараганда яримшарни ясаш осон. Бунинг учун тайёр гумбаз шаклидаги симли лекалодан фойдаланилади.



Цилиндр. Цилиндр асосдаги айлана ёрдамида яратилади. Бунинг учун дарахтча ёнига айлана чизилади ва унинг периметри бўйлаб, ўзаро параллел йўналтирувчилар ўрнатилади. Қулай бўлиши учун йўналтирувчилар тепаси ва пастига симдан доира маҳкамлаб олиш мумкин.



Конус. Конус пирамида лекалоси ёрдамида қурилади. Бу ҳолатда йўналтирувчилар сони олтига ва ундан кўпроқ бўлиши лозим. Яъни, асосга 6 ёки 8 бурчакли (мунтазам) кўпбурчак чизиб олинади. Умунан олганда. Конус, цилиндр ва яримшарларда қанча йўналтирувчилар кўп бўлса, эгри сиртларни яшаш шунча осон бўлади.



Мураккаб фигуралар. (Спираль ва пармасимон). Спираль ёки пармасимон шакллари яратиш учун олдин дарахтча конус шаклига эга бўлиши лозим. Агар у ушбу талабга жавоб бермас, олдин ундан конус кузаб ясалади, ундан кейин эса спираль шакллантирилади.

ди. Бурама йўналиши аэрозол буюк билан белгиланади ёки ёрқин лента билан ўсимлик атрофидан бурама қилиб ўраб чиқилади.

Поғонали шакллар. Поғонали шакллар учун аниқ тик танали ўсимликлар танланади.



Кўпярусли фигуралар учун лекало тайёрлаш қийин. Масалани соддалаштириш учун кўз билан чамалаб, танланган ўсимлик навбатма-навбат шакллантириладиган

содда геометрик элементларга бўлинади. Биринчи бўлиб, ўртасида навбатдаги ярус-ларни яратиш учун бир неча новдаларни қолдириб, пастки ярус шакллантирилади ва ҳ.к..

Балоғатга етган ўсимликлардан топиар фигуралар анча тез ясалади. Ёш ниҳоллардан шакллантириш анча йилларга чўзилиб кетади.

Агар сиз ўзингизнинг боғингиз ёки дала ҳовлинингизни тезроқ топиар санъати музейига айлантиришни хоҳласангиз, яхши ривожланган илдизга эга 4-5 ёшли дарахтчаларни (агар улар ўзингизда бўлмаса) сотиб олинг ва ўз топиар боғингизни яратинг.

Адабиётлар:

1. Генрих Бельц. Фигурная стрижка деревьев. – М., 2006.
 2. Гарнизоненко Т.С. Справочник современного ландшафтного дизайна. – Ростов-на-Дону, 2005.
 3. Записки путешественников о Самарканде. // Маскан журналы, №9-10. – Тошкент, 1992.
 5. Уралов А.С. Бойсунова Н. “Топиар” санъатининг ландшафт архитектурасидаги роли. // СамДАКИ да ўтказилган 2011 йил илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2011.
 6. Брикелл К. Обрезка растений. Перевод с англ. А.П. Раевского. – М.: “Мир”, 1987.
- <http://dizaynland.ru/topiarnoe-iskusstvo/topiari>

ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИР САНЪАТИГА РАССОМЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ

Сафарова Н., асиссент; Сафаров А., магистрант; Суванкулов С., магистрант

This article is devoted to the work of Uzbek masters and gives an opportunity to get acquainted with the creativity of visiting artists in Uzbekistan

Данная статья посвящается творчеству мастеров Узбекистана и дает возможность по ближе познакомиться с творчеством приезжих художников в Узбекистан

Рангтасвир - тасвирий санъатнинг бир турики, унда ранг биринчи ўринни эгаллайди. Бирор бир матода, юзада, деворда бажариладиган санъат асарига рангтасвир дейилади. Рангтас-

вирда асосий ифода воситаси ранг ҳисобланади.

Рангтасвир тарихи ибтидоий одамнинг ғор деворларига чизган расмларидан бошланади.

Бизгача етиб келган бу расмлар ўзининг соддалиги ва маънодорлиги билан кишини хайратга солади. Ўзбекистон худудида қадимги рангтасвир санъати ўзига хос намуналарга эга. Афросиёб, Болаликтепа, Варахша ва Панжикентдаги деворий рангли тасвирларни алоҳида айтиб ўтишимиз керак. Бобокалонларимиздан Ибн Сино, Умар Ҳайём, Фирдавсий, Беруний каби алломаларимизнинг китобларига мусаввирлар миниатюра, безаклар ишлаганлар. Ўзбекистон худудига ислом дини кириб келгунига қадар фақат Зардуштийлик дини бўлган. Бу диндаги Монувийлик йўналиши ўз навбатида тасвирий санъат намуналари билан узвий боғлиқ бўлган. Унинг асосчиси Моний бўлиб кейинчалик унинг таълимоти билан биргаликда улкан тасвирий санъат мактаби вужудга келган. Лекин 712 йилда Самарқандни араблар босиб олиб ислом динини олиб кирган. Араблар босиб олгандан кейин ислом дини билан бир қаторда тасвирий санъатда ҳам кўп янги намуналар йўналишлар яратилди. Тарихдан маълумки қадимда Самарқанд қоғози билан машхур бўлиб, ўз навбатида китоб санъатининг ривожланишига туртки берган. Диний ва бошқа соҳалардаги китоблар, тасвирлар, безаклар билан нафис қилиб безатилганки бу эса безак санъатининг ривожланишига олиб келди.

Темурийлар даврига келиб шарқона миниатюра мактаблари вужудга келди. "Миниатюра"- бу китобга ишланган сурат ёки кичик ҳажмдаги суратлар маъносини нафис бажарилган безаклар маъносини билдиради.

"Деворга суръат чизиш санъати Мирзо Улуғбек замонида янада юқори поғонага кўтарилди. Тарихнавислар унинг Чилустун чорбоғида Чиннихона қасрини ниҳоятда гўзал қилиб курдирганини ёзадилар. Абдураззоқ Самарқандий Мирзо Улуғбек расадхонасининг хоналари деворларида тўққиз осмоннинг кўриниши, осмон гумбазлари даражалари, минут ва секундлар ва хоказо улушлари тасвири етти ёритгич сайёра, собита юлдузлар, иқлимлар, тоғ, денгиз, сахро шуларга оид буюм ва жониворлар сурати ғоят ва жонли нақш этилганини ёзади" [7].

Миниатюра рангтасвири даҳоси Камолиддин Бехзод нафис санъатларни ўрганган ва буюк мусаввир бўлиб етишган. Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод ўша даврнинг машхур мактабларидан "Нигористон" тасвирий санъат академиясида таҳсил олган. Ўша даврнинг мусаввири Мирак Наққош Камолиддин Бехзоднинг устози бўлган. Яна бир устози десак адашмаймиз, чунки Камолиддин Бехзодга Алишер Навоий ҳам кенг маънода раҳномалик

қилган ва кўп имкониятлар яратиб берган. Камолиддин Бехзод Алишер Навоий портретини яратган. Ўз даврида Алишер Навоийнинг дўсти Хусайн Бойқаро ҳам Камолиддин Бехзодга раҳномалик қилиб Хиротдаги кутубхонасига раҳбар этиб тайинланди. "Буюк рассом шарқ алломалари Шарофиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби мутафаккирларнинг асарларини тасвир орқали янада жонлантирди" [90 б.]. "Хусайн Бойқаро" портрети, "Шайбонийхон" портрети, "Султон Хусайн сафарда" деб номланган машхур асарларини яратган.

"XX аср даҳо санъаткори абстрактизм санъатининг "отаси" В.Кандский 1910 йил Аполлон журнали саҳифаларида, Мюнхен шаҳрида 1903-1910 йилларда намойиш этилган. "Му-сулмон санъати" кўргазмасидан кучли тасвирланиб, куйидагиларни ёзади: "Шарқ миниатюралари ... Уларни инсон қўли билан яратилганига ишонмайсан киши! Назаримда, рўё каби осмондан тушган хилқат олдида тургандекман.... Ақлни оздирар қадар соддалик. Мураккаблик деярли хайратланарли, нозиклик таъби нозик халқ орзу қилгандек, нафисдир... Қандай сеҳрли кучки, у ёрқин содда ифодаланган ботиний ҳис-ҳаяжонни (у доим юзада ва уни ҳеч нарса тўса олмайди, биз европаликлар уни адашиб "декоративлик" тарзида берамиз) қайнаб ётган ашёлар мутаносиблигига эриша олган. Мен ҳаяжондан қотиб турардим ва бизнинг "декадент" санъатимизда "бениҳоя гўзал" деб юритганимизнинг барчаси хира тортиб қолади..." [1]

Туркистонга 1900 йиллар бошида Москвадан ва Петербургдан кўпгина рассомлар келишиб биринчилардан бўлиб тасвирий санъат, рангтасвир мактабларини очишган. Ўзбекистоннинг бир нечта вилоятларида ўз ишларини олиб боришган. Тошкент шаҳрида С.Юдин биринчилардан, Фарғонада эса П.Никифоровлар ёшларга рангтасвирнинг пейзаж, натюрморт жанрларидан сабоқ бера бошладилар. С.Юдин тоғ пейзажи жанрида ишлай бошлади. Бу эса пейзаж жанрида яратилган ишларга туртки берди. Рассомнинг ишлаган ишлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўз навбатида бу Ўзбекистонда ишлаб ижод қилаётган рассомлардан А. Исупов,

П.Беньков, З.Ковалевская, Н.Караханларнинг ижодида сезила бошлади. Петербургдаги рассомчилик академиясида ўқиб ўз маҳоратига эга бўлган рассомлар, биринчилардан бўлиб бир-биридан қолишмайдиган пейзажларни яратишган. Улар С.Юдин, И.Казаков, М.Нови-

ковлар бўлиб архитектура ёдгорликлари этюдларини зўр маҳорат билан ишлаганлар. Айтиб ўтадиган бўлсак бу асарларни (Туркистонда Аҳмад Яссавий масжиди), (Бухородаги Самонийлар мақбараси), (Шердор мадрасаси ховлиси), (Тиллакори масжиди), (Шохизиндага кириш). Бу рассомлар ишларида мазмун, моҳият ранглар ўйноқлиги ва энг характерли томони бу натурадан ишланганидир. Россияда ўша даврларда имперцион ва постимперцион рассомлар кўпгина ишлар олиб бормоқда эдилар. Ўзбекистонда ижод қилаётган рангтасвирчи рассомлардан А.Волков, О.Татовсян, М.Крузин, Ў.Тансиқбоев, Н.Кашина, Н.Караханларнинг ижодида бу оқимларнинг таъсири сезила бошлади. А.Волков ижодида Шарқнинг сершовқин бозорлари, чойхоналари ва эртакнома карвонлари пайдо бўла бошлади. Бутунлай бу мавзулар ўзига ром этиб бир-биридан гўзал асарлар яратилди. Бу асарларни кўрган киши беихтиёр керамик мозайка усулида яратилган асар деб ўйлайди. Ўзбекистон тасвирий санъатига рус рассоми А.В.Николаев кириб келди. Лекин у Ўзбекистонда Усто Мўмин номи билан ижод қила бошлаган. У Самарқанд шаҳридаги архитектура ёдгорликлари, кишиларнинг миллий кийимлари ва тақинчоклари унда катта тассурот қолдирди. Бу эса у яратган машҳур, гўзал ва нозик асарларида ўз ифодасини топган. Рангтасвир оламининг бу гўзал асарлари кишиларни ҳозирда ҳам лол қолдираётир. Унинг "Баҳор", "Чойхоначи", "Дуторчи бола", "Дўстлик севги мангулик" асарлари ўта маҳорат билан миллий руҳида бажарилганини кўришимиз мумкин. Усто Мўмин асарларида унинг нақадар табиатни севиши ва уни улуглашидан дарак берувчи нозик оқ атир гулларини мисол қилиб айта оламиз.

Ўзбек рангтасвирида замонавий ва мавзули композицияларни М.Курзин тасвирлай олган. У Ўзбекистонда қизиқарли ва маънодор асарларни рангтасвир ва графика йўналишида маромига етказиб бажарган рассомлардандир. Унинг асарлари шунчаки яратилмай балки келажакда у кишиларни қандай тасаввур қилишини ва янгилик яратишни яхши кўргани билан ҳам ажралиб турган. Шу билан бирга асарлар маънодорлиги ва танқидий мулоҳазаларга бойлиги билан ҳам сезилиб турибди. Бу "Мехмонга", "Ўғрилар жамоат маҳсулотларини ейишяпти" асарларидир. Революциядан сўнг Ўзбекистонда фаолият олиб бориш учун рус рангтасвир усталаридан В.Уфимцева кўчиб келган. Ўша дамларда унинг (Военный натюрморти) асари яратилди. Бу натюрмортда гармон, милтик, ҳарбий рюгзак гранаталар тас-

вирланган.

Ўзбекистонда бир қанча рангтасвирда янги номлар янги асарлар яратила бошланди. Уста бирлашмалари рассомлар уюшмаси каби ташкилотлар пайдо бўлиб рангтасвирда ўзига хос йўналишларга бурилиш ясаган. Бу эса 1927 йилга келиб "Янги Шарқ усталари" деган рассомлар уюшмаси ташкил топди. Бу уюшмага рангтасвирчи рассомлар ҳамда графикчи рассомлар аъзо бўлган ва янги-янги йўналишлар ҳосил бўлишига мувофиқ бўлишган. Рассомлардан биз айта оламизки А.Волков, М.Курзин, М.Гайдакович, В.Гуляев, В.Маркова, А.Николаев (Усто Мўмин) ва бу ташкилотга расмий аъзо бўлмаган Уфимцев ҳам ўз ижодини олиб борган. Бу рассомларнинг асарларини шунчаки томоша қилиш учун эмас балки рассом бу билан нима демоқчилигини ва тасаввур қилишлигини кўра оламиз. Гуруҳни ҳеч ким бошқармаган ва рассомлар ўз асарларида воқеани шу қадар таъсирчан акс эттиришганки ифода услублари бир-бирига ўхшаш кўринади. Бирлашма аъзолари 1926 йилда "Новая Сибирь" (яъни Янги Сибирь) жамиятини ҳам ташкил этганлар ва бу жамиятни ҳам ташкил этишиб ўзларининг билимларини тажрибаларини бизнинг ўлкамизда қўлламоқчи бўлдилар.

Рассомлардан А.Волков, В.Уфимцев, М.Курзин, Е.Каравай, Н.Кашина, Н.Карахан, Ў.Тансиқбоев асарларида бу оқимнинг илк кўринишлари куртак ёзди. Лекин, А.Волков, В.Уфимцев, М.Курзин Е.Каравайлар яратган асарларни томоша қилсангиз кубофутуризм ва суперматисларнинг таъсирини кўриш мумкин. Бу рассомларнинг ижодида бадиий изланишлар абстракция йўналишига ўтганга ўхшаб кетади, бунда шакллар мавҳум эмас аксинча аниқроқ берилган ва бирор бир рамз ва белги билан кўрсатишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам унинг орқасида бирор бир ғояни очиб беришга ҳаракат қилганликлари кўриниб турибди. Авангард рассомлар кўпроқ янгиликка, эркинликка, эскисига барҳам бериб янгича изланишларни кашф этишга ҳаракат қилганлар. "Авангард бу рангтасвирнинг услуби эмас, балки оламнинг ва мавжудотнинг англаш фалсафасидир" деган эди К.Малевич. Ҳар бир рассомларнинг ишлаш услуби ўзига хос Ўзбек авангарчи рассомларининг услуби ҳам ҳар хил ва бир-бирини такрорламас.

Европалик рассомлар П.Пикассо, А.Матисс, К.Малевич постимпер сионистик анъаналарга барҳам бера туриб пластик ғояларни олға сурганлар. Асосан Гоген изидан бориб нарсаларни инсонларни, ноанъанавий ва оддий тасвирлашга интилиш кучли бўлган. Постемперсиониз-

мда ранга эътибор бериш яъни рангинг ёркинлиги тўйинганлиги ўзбек рассомларининг асарларида ҳам бунга қизиқиш билинади. Айниқса Н.Карахан, Ў.Тансиқбоев асарларида рангдан жойида фойдалана олиш ранг-баранг ранглардан оқилона фойдаланиш қарама-қарши ранглардаги безакдорлик хусусиятларига қизиққанликлари сезилиб турибди.

Ю.Талдикиннинг ҳам "Хивадаги савдо рас-таси" асарида ҳам расталарда хунармандлар, кулоллар ўзларининг буюмларини, газламаларини сотмоқдалар. Мусаввир Г.Чернухининг "Шарқ бозори" номли картинасида эса меҳнаткаш бободехқонларимиз меҳнат маҳсули бўлмиш асалдан ширин, мева-чеваларимиз, тилёрар қовун, тарвузларимиз тасвири тасвирланган. Самарқанд қадимда қоғози ва Самарқанд нонлари билан машҳур бўлган. Бу эса ҳозирда ҳам ўз кадр қийматини йўқотгани йўқ. Ю.Талдикиннинг "Самарқанддаги нон бозори" асаридир. Бу асарда нон расталарида нон сота-

ётган аёллар ва сотиб олаётган харидорлар тасвирланган. Расталарда эса бир-биридан ширин ширмой Самарқанд нонлари акс эттирилган.

Бундай мавзуларда асарлар яратиш рассомларга ўзгача бир ифтихор, ғурурланиш ҳисларини уйғотиши турган гап.

Адабиётлар:

1. Ростовцев Н.Н. Рисование с натуры. – Ленинград, 1962.
2. Бойметов Б. Қалам тасвир. –Тошкент, 2002.
3. Ойдинов Н. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. Тошкент, 1997.
4. Набиев М. Рангшунослик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
5. Живопись. Композиция (хрестоматия). – Москва: «Просвещение», 1989.
6. Абдурахмонов Ф. Ранг тасвир ва композицияда методик тавсиялар. Тошкент 1995.
7. Норкулов Н., Низомидинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.: 1970, 57-б.

СТРУКТУРА ГОРОДСКОГО ЛАНДШАФТА

Саттарова К.Д., доцент (ТАСИ).

Maqola shahar manzaralari, keng qamrovli yilda shahar landshaft o'rganish uchun ilmiy va ilmiy - xolisona imkonini beradi, deb bir necha komponentlar va ma'lumot darajasi iborat o'rganishga bag'ishlangan .

The article is devoted to the study of urban landscapes, consisting of multiple components and reference standards that will allow for the study of the urban landscape in a comprehensive and scientifically - objectively .

Ускорение процессов урбанизации и, как следствие, бурный рост городов и городских агломераций позволяет говорить о глобальном влиянии человека на преобразование земной поверхности. Все меньше уголков земли остается в своем естественном природном состоянии, не затронутом человеческой деятельностью. На смену естественно-природному ландшафту приходит антропогенный и городской ландшафт.

Вергунов А. П. дает следующее определение городского ландшафта: «Среди разновидностей культурных ландшафтов особое значение имеет, для градостроительного и ландшафтного проектирования, городской ландшафт. Он характеризуется сложным взаимосвязанным сочетанием не только природных, но и искусственных компонентов. Это жилые, общественные и производственные здания, хозяйственные, инженерные, транспортные, энергетические сооружения, все элементы благоустройства на улицах и площадях, во дворах, садах и парках и т. д.» [4]

Изучение городского ландшафта, как сверхсложной системы, состоящей из многочислен-

ных компонентов, можно вести в том случае, если сложную систему разбить на ряд более простых структур и выделить наиболее универсальные свойства, такие как: способность делиться на подсистемы,

входить в системы высшего порядка (иерархичность), обладать большим содержанием, чем сумма содержания подсистем, наличие прямых и обратных связей, непрерывность развития, структурность, т. е. наличие определенной организации [1].

А введение таких системных понятий, как иерархические уровни, базовые категории, структурные элементы, эталонные нормы позволит вести изучение городского ландшафта комплексно и научно объективно [2].

В соответствии со свойствами системы обладать иерархичностью, в городском ландшафте можно выделить следующие уровни иерархии:

- **макроуровень:** городская агломерация, урбанизированный район, территориально-индустриальный комплекс;
- **мезо уровень:** селитебный ландшафт, индустриальный ландшафт, Агро ландшафт;

• **микроуровень:** двор, спортивная площадка, пешеходная зона.

Искусственная и естественная часть ландшафта характеризуется наличием прямых и обратных связей, таких, например, как связь между климатом и планировочной структурой города, между рельефом и объемно-пространственной композицией. Непрерывность развития - также неотъемлемое свойство городского ландшафта. И в связи с этим можно вести речь о деградации или гармонизации городского ландшафта, т. е. об ухудшении или улучшении его свойств. Для решения главной задачи данного исследования, заключающейся в гармонизации городского ландшафта, наибольший интерес представляет мезо уровень в общей иерархии городских ландшафтов. Для этого среднего уровня предлагается, в рамках распространения методов системно-структурного анализа на изучение городского ландшафта выделить и проанализировать следующие положения:

- **базовые категории городского ландшафта:**

а) исторические; б) природные;

- **структурные элементы городского ландшафта:**

а) антропогенные; б) природные;

- **эталонные нормы и функции городского ландшафта;**

Под воздействием целесообразной хозяйственной деятельности человека, такой как сельскохозяйственное освоение земель, строительство дорог, мелиорации и ирригации происходит формирование культурного ландшафта. Первичные элементы, закрепленные в естественном ландшафте человеком в результате его освоения и организации процессов жизнедеятельности, получили название базовых категорий культурного ландшафта. Под базовыми категориями культурного ландшафта А. В. Бокков понимает следующее: «Путь, граница, улица, перекресток, угол, ворота – результат целенаправленной человеческой активности, самые действенные инструменты организации ландшафта, к тому же данные поначалу самой природой в образе рек, береговых линий, звериных троп, естественных пределов распространения представителей фауны и флоры, особых мест, ориентиров и т. д.» [3]

Первичные категории культурного ландшафта существуют как архетипы в сознании людей, они определяют, как фундаментальные инстинкты, так и стратегию поведения. В результате различных комбинаций основных категорий культурного ландшафта складывается

все его многообразие и формируется реальный каркас его дальнейшего развития. Категории культурного ландшафта легли в основу дальнейшего развития среды обитания человека и формирования городского ландшафта. Выявление и изучение базовых категорий городского ландшафта необходимо по нескольким причинам:

Во-первых, человеческое поселение редко возникало на пустом месте, такое событие, чаще всего, характерно для XX века. В большинстве своем города, поселки, деревни насчитывают не одну сотню лет и имеют каждый свою природно-историческую основу. Любое поселение, так или иначе, связано с каким-либо характерным природным ландшафтом, будь то устье реки, берег моря, предгорье и с определенной исторической ситуацией такой как, например: необходимостью освоения плодородных земель, залежей полезных ископаемых, организацией центров торговли и ремесла в месте пересечения торговых путей. Все это вместе создает базу, на основе которой происходит дальнейшая эволюция человеческого поселения. Выявление этой природно-исторической основы необходимо для понимания градостроительной динамики, т. е. для определения перспективы дальнейшего развития.

Во-вторых, изучение природно-исторической основы города и базовых категорий необходимо для творческого освоения образцов градостроительного искусства предшествующих эпох, для которых характерно чувство гармоничной связи с природой, с космосом, а также максимально целесообразное освоение городских территорий.

В-третьих, выявление базовых категорий позволяет определить существование естественных границ поселений, древних путей и пересечения дорог, а также центров религиозного паломничества, ремесла и торговли. Эти узлы будущего развития городов, пройдя долгий исторический путь, в наши дни являются местами притяжения и закрепления определенных городских функций, таких например, как исторически сложившийся центр, традиционные места торговли – базары, излюбленные места городских праздничных гуляний и зон отдыха. Игнорирование существования таких мест в планировочной структуре города приводит к колоссальным материальным затратам в организации новых центров, зон отдыха и торговли, не пользующихся популярностью у людей и не оправдывающих вложенных в их строительство инвестиций.





		
1.2. Дворечье. Г. Дур Шуккурин. II тыс. лет до н.э.	1.2. Египет г. Ахетатон II тыс. лет до н.э.	
		
1.3. Гипподамова система г. Минета. (V в. до н.э.)	1.4. Принцип Гипподамовой сетки	
		
1.5. План римских лагерей	1.6. Дворец Диоклетиана	1.7. Идеальный город по Платону

Рис. 1. Организация древних и античных городов







	
2.1. Пражский град со стар. гравюры	2.2. Флоренция со стар. гравюры
	
2.3. Флоренция XIV в.	2.4. Карlsruэ Старый центр.

Рис.2. Устройство городов средневековья

	
3.1. Томас Мор. Амауратум 1516г.	3.2. Филарете. Первый город звезда.







	
3.3. Винченцо Скамоцци. 1601г.	3.4. Т. Кампанелла. Город-солнце. 1623г.
	
3.5. Даниеле Скепле. 1608г.	3.6. Джоржио Вазари, 1598г
	
3.7. Д. Вазари, главная площадь города, 1598г	3.8. Буануюто Лорини. 1598г.

Рис.3. Идеальные города Возрождения

Городской ландшафт – сложная многоаспектная система, включающая в себя как природные, так и искусственные компоненты. Детальное изучение городского ландшафта требует выделения из общего понятия структурных элементов как природного, так и антропогенного характера.

К структурным элементам городского ландшафта, носящим антропогенный характер, можно отнести следующие элементы:

здания, инженерные сооружения, транспортные магистрали, улицы, проезды, тупики, перекрестки, транспортные развязки, городские площади, курданеры, площади перед отдельными зданиями, двory, внутриквартальные пространства, искусственное озеленение, бульвары, скверы, набережные, городской дизайн, реклама, малые архитектурные формы.

Приравнивая показатели степени и коэффициенты каждой пары функций косинуса в (12), мы находим следующую алгебраическую систему:

$$\beta - 1 \neq 0, \quad 3\beta = \beta - 2,$$

$$\cos^{-1}(\mu\xi): (a - c^2) \lambda \mu^2 \beta^2 - \lambda = 0,$$

$$\cos^{-3}(\mu\xi): \lambda^3 + (c^2 - a) \lambda \mu^2 \beta(\beta-1) = 0,$$

Решение этой системы приводит к

$$\beta = -1; \quad \mu = \frac{1}{\sqrt{a - c^2}}; \quad \lambda = \sqrt{2} \quad (13)$$

Тогда подставив (13) в уравнение (8), точное решение этого уравнения можно записать в виде

$$u(x, t) = \sqrt{2} \operatorname{sec} \left[\frac{1}{\sqrt{a - c^2}} (x - ct) \right] \text{ или}$$

$$u(x, t) = \sqrt{2} \operatorname{csc} \left[\frac{1}{\sqrt{a - c^2}} (x - ct) \right] \text{ при } a > c^2;$$

$$u(x, t) = \sqrt{2} \operatorname{sech} \left[\frac{1}{\sqrt{a - c^2}} (x - ct) \right] \text{ или}$$

$$u(x, t) = i\sqrt{2} \operatorname{csc} h \left[\frac{1}{\sqrt{a - c^2}} (x - ct) \right] \text{ при}$$

$$a < c^2, \quad i = \sqrt{-1}.$$

4. Рассмотрим модифицированное кубическое уравнение Буссинеска вида [3]

$$u_{tt} - u_{xxx} - (u^3)_{xx} = 0, \quad (8)$$

который описывает многих реальных физических явлений, где a , ε и b являются постоянными, а $u(x, t)$ является неизвестной функцией:

$$u(x, t) = \sqrt{2} \operatorname{sech}(x - t), \quad \xi = kx - \lambda t.$$

Сначала для удобства уравнение (8) перепишем в виде

$$\lambda^2 u'' - k^4 u'''' - 3k^2 (u^2 u') = 0. \quad (9)$$

После анализа, представленного выше в $u(x, t) = u(\xi)$ и (2), уравнение (9) преобразуется в

$$\lambda^2 u - k^4 u'' - k^2 u^3 = 0. \quad (10)$$

Подставив (7) в (11) получаем

$$\begin{aligned} & -\lambda^2 \alpha \beta \mu \cos^{\beta-1}(\mu \xi) \sin(\mu \beta) + \\ & + k^4 [\alpha \beta (\beta - 1) (\beta - 2) \mu^3 \cos^{\beta-3}(\mu \xi) \sin(\mu \xi) - \\ & - \alpha \beta^3 \mu^3 \cos^{\beta-1}(\mu \xi) \sin(\mu \xi)] + \\ & + 3k^2 \alpha^3 \beta \mu \cos^{3\beta-1}(\mu \xi) \sin(\mu \xi) = 0. \end{aligned} \quad (12)$$

Приравнявая показатели степени и коэффициенты каждой пары функций косинуса в (12), мы находим следующую алгебраическую систему:

$$\begin{aligned} & \beta - 3 = 3\beta - 1, \quad \cos^{-2}(\mu \xi) \sin(\mu \xi): \\ & -\lambda^2 \alpha \beta \mu - \alpha \beta^3 \mu^3 k^4 = 0, \quad \cos^{-4}(\mu \xi) \sin(\mu \xi): \\ & k^4 \alpha \beta (\beta - 1) (\beta - 2) \mu^3 + 3k^2 \alpha^3 \beta \mu = 0, \end{aligned}$$

Решение этой системы приводит к

$$\beta = -1; \quad \lambda = \mp i k^2 \mu, \quad \alpha = \mp i \sqrt{2} k \mu. \quad (13)$$

Тогда подставив (13) в уравнение (8), точное решение этого уравнения можно записать в виде

$$u(x, t) = \mp i \sqrt{2} k \mu \sec[\mu k(x \mp i k \mu t)]$$

или

$$\begin{aligned} u(x, t) &= \mp \sqrt{2} k \mu \sec h[\mu k(ix \mp k \mu t)] \\ k &= \mu = 1, \end{aligned}$$

или

$$u(x, t) = \mp \sqrt{2} \sec(ix \mp t)$$

Выводы. Основным преимуществом этого метода является то, что он может быть применен непосредственно к большинству типов нелинейных дифференциальных уравнения в ча-

стных производных. Другим важным преимуществом метода является то, что она способна значительно сократить размер вычислительной работы.

Литература:

1. Wazwaz A.M. Partial Differential Equations: Methods and Applications, Balkema, The Netherlands, (2002).
2. Wazwaz A.M. A Sine-Cosine Method for Handling Nonlinear Wave Equations. Mathematical and Computer Modelling, 40 (2004), P.499-508.
3. Wazwaz A.M. Partial Differential Equations and Solitary Waves Theory. Higher Education Press, Beijing and Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2009. – 761 p.
4. He J. H, Wu X. H. Exp-function method for nonlinear wave equations. Chaos, Solitons & Fractals.30 (2006): P.700-708.
5. Mohamad-Jawad A.J. The Sine-Cosine Function Method for Exact Solutions of Nonlinear Partial Differential Equations. Journal of Al Rafidain University College, No.32, pp. 124-143 (2013)
6. Zhang H., Wei G.M., Gao Y.T. On the form of the Benjamin-Bona-Mahony equation in fluid mechanics, Czechoslovak Journal of Physics, **51** (2001), pp. 373-377.
7. Голоскоков Д.П. Уравнения математической физики. Решение задач в системе Maple. Учебник для вузов.– СПб.: Питер, 2004.– 539 с.
8. Полянин А.Д., Зайцев В.Ф., Журов А.И. Методы решения нелинейных уравнений математической физики и механики.– М.: ФИЗМАТЛИТ, 2005.– 256 с.
9. Эдвардс Ч.Г., Пенни Д.Э. Дифференциальные уравнения и краевые задачи: моделирование и вычисление с помощью Mathematica, Maple и MATLAB. 3-е издание.: Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2008. – 1104 с.

AYLANUVCHI DOIRAVIY QOVUSHOQ-ELASTIK STERJENNING BURALMA TEBRANISHLARI

Yaxshiboyev S. R. Xurramov X. Q. (SamDAQI)

В работе, исходя из точной математической постановки задачи о крутильных колебаниях вязкоупругого круглого стержня, вращающегося с постоянной угловой скоростью вокруг оси симметрии, выведено уравнение нестационарных его колебаний. Вместе с уравнением предложен алгоритм расчета НДС системы в произвольном её сечении для любого момента времени.

In the work, proceeding from exact mathematical statement of the problem about torsional vibrations of the viscoelastic circular bar rotating with constant angular velocity round an axis of symmetry, the equation of its non-stationary fluctuations is deduced. Together with the equation the algorithm of computation of the stressed-strain state of system in arbitrary its section for any moment of time is offered.

Hozirgi zamon texnikasi va ilm fanining rivojlanish darajasidan kelib chiqqan holda oshib borayotgan talablar asosida muhandislik inshootlari elementlarining, xususan qobiqlar va sterjenlarn-

ing nostatsionar tebranishlarini tadqiq etishda tobora ko'proq va murakkabroq fizik-mexanik xususiyatlarini hisobga olishga to'g'ri kelmoqda [1,2,3,6].

Shu munosabat bilan taklif etilayotgan tadqiqot ishida simmetriya o'qi atrofida Ω o'zgarimas burchak tezlik bilan aylanuvchi bir jinsli va izotrop, radiusi r_0 bo'lgan doiraviy qovushoq-elastic sterjenni (r, θ, z) silindrik koordinatalar sistemasida qaraymiz. Sterjen uch o'lchovli jism sifatida matematik qovushoq-elasticlik nazariyasiga qat'iy bo'ysinadi deb hisoblaymiz.

Biz o'qqa nisbatan simmetrik bo'lgan buralma tebranishlarni qarayotganimiz uchun masala burilish burchagining o'zgarishidan bog'liq bo'lmaydi va shu sababli faqat $U_\theta(r, z, t)$ ko'chish, $\sigma_{r\theta}(r, z, t)$ va $\sigma_{z\theta}(r, z, t)$ kuchlanishlarga noldan farqli bo'ladilar va qovushoq-elastic sterjenning buralma ko'chishi ko'ndalang to'lqin potentsiali orqali quyidagicha ifodalanadi [1]:

$$U_\theta = -\frac{\partial \psi_1}{\partial r}. \quad (1)$$

Deformatsiya va ko'chish orasidagi munosabatlarni (1) ni hisobga olganda quyidagicha yozish mumkin

$$\varepsilon_{r\theta} = -\frac{\partial}{\partial r} \left(\frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \right) \psi_1, \quad \varepsilon_{z\theta} = -\frac{\partial^2}{\partial r \partial z} \psi_1. \quad (2)$$

Qovushoq-elastic jism uchun kuchlanishlar va deformatsiyalar orasidagi bog'lanishlarni Boltzman-Volter munosabatlari [2] korinishida deb qabul qilamiz. U holda masaladagi noldan farqli kuchlanishlar ko'ndalang to'lqin potentsiali orqali quyidagicha ifodalanadi

$$\sigma_{r\theta} = -Mr \frac{\partial}{\partial r} \left(\frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \right) \psi_1; \quad \sigma_{z\theta} = -M \frac{\partial^2}{\partial r \partial z} \psi_1, \quad (3)$$

bu yerda

$$M = \mu \left[\zeta(t) - \int_0^t R(t-\tau) \zeta(\tau) d\tau \right] \quad (4)$$

teskarilanuvchi qovushoqlik operatori; μ - Lamé koeffitsiyenti; $R(t)$ - qovushoq-elasticlik operatorining yadrosi.

Aylanish ta'sirida yuzaga keluvchi markazdan qochma kuch hisobga olinganda sterjenning harakat tenglamasi silindrik koordinatalar sistemasida quyidagicha bo'ladi [3]:

$$\frac{\partial \sigma_{r\theta}}{\partial r} + \frac{\partial \sigma_{z\theta}}{\partial z} + 2 \frac{\sigma_{r\theta}}{r} = \rho \left(\frac{\partial U_\theta}{\partial t^2} - \Omega^2 U_\theta \right), \quad (5)$$

bu yerda ρ - sterjen materialining zichligi, Ω - burchak tezlik.

Sterjenning buralma tebranishlarini uning sir-tiga ta'sir etuvchi $f_{r\theta}(z, t)$ tashqi kuchlanish uyg'otadi deb hisoblaymiz [1]. U holda sterjen sirtida ushbu chegaraviy shart o'rinli bo'ladi

$$\sigma_{r\theta}(z, t) = f_{r\theta}(z, t), \quad r = r_0. \quad (6)$$

Boshlang'ich shartlarni esa nolga teng deb hisoblaymiz.

Agar sterjenning harakat tenglamalari (5) ga ko'chishning (1) va kuchlanishlarning (3) ifodalarini qo'ysak, soddalashtirishlardan so'ng quyidagi tenglamaga ega bo'lamiz

$$M \left(\frac{\partial^2 \psi_1}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial \psi_1}{\partial r} + \frac{\partial^2 \psi_1}{\partial z^2} \right) = \rho \left(\frac{\partial^2 \psi_1}{\partial t^2} - \Omega^2 \psi_1 \right). \quad (7)$$

Ushbu tenglamani yechish uchun izlanuvchi funksiyani quyidagi integral almashtirish bilan tasvirlaymiz [4]

$$\zeta = \int_{l_1 l_2} \zeta^{(0)} e^{pt+kz} dp dk, \quad (8)$$

bunda l_1 va l_2 - p va k kompleks tekislikdagi chegaralanmagan ochiq konturlar.

Izlanuvchi funksiya uchun (8) almashtirishni (7) tenglamaga qo'llaymiz va quyidagi Bessel tenglamasiga ega bo'lamiz

$$\left(\frac{d^2}{dr^2} + \frac{1}{r} \frac{d}{dr} - \gamma^2 \right) \psi_1^{(0)} = 0, \quad (9)$$

bu yerda

$$\gamma^2 = \rho M_0^{-1} (p^2 - \Omega^2) - k^2; \quad M_0 = \mu [1 - R(p)].$$

Bu tenglamaning $r = 0$ bo'lganda chegaralan-gan umumiy yechimi

$$\psi_1^{(0)} = BI_0(\gamma r) \quad (10)$$

kabi bo'ladi, bunda I_0 - modifikatsiyalangan Bessel funksiyasi; B - integrallash o'zgar-masi [5].

Agar U_θ ko'chishni ham (8) kabi ifodalasak va (10) yechimni hisobga olsak, (8) bo'yicha al-mashtirilgan ko'chish uchun

$$U_\theta^{(0)} = -\gamma BI_1(\gamma r) \quad (11)$$

ifodaga ega bo'lamiz.

Ko'chishning (11) ifodasidagi Bessel funksiyasini r radial koordinata bo'yicha qatorga yoyamiz

$$U_\theta^{(0)} = -B \sum_{n=0}^{\infty} \gamma^{2n+2} \frac{(r/2)^{2n+1}}{n!(n+1)!}. \quad (12)$$

Ushbu ifodada buralma ko'chishning bosh qismini

$$U_\theta^{(0)} = -\frac{1}{2} \gamma^2 B \quad (13)$$

kabi belgilab olamiz. Bu ifoda (12) qatorning birinchi hadi ekanligini ko'rish qiyin emas. B-un-dan quyidagini hosil qilamiz

$$U_\theta^{(0)} = r_0 U^{(0)}(k, p). \quad (14)$$

Integrallash o'zgar-masi B ni (13) tenglikdan topib (12) formulaga qo'yamiz. Natijada $U_\theta^{(0)}$

ko'chising $U^{(0)}$ funksiya orqali ifodasini hosil qilamiz

$$U_{\theta}^{(0)}(r, k, p) = 2 \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r/2)^{2n+1}}{n!(n+1)!} \gamma^{2n} U^{(0)}. \quad (15)$$

Agar (7) chegaraviy shartda $\sigma_{r\theta}$ kuchlanish va $f_{r\theta}(z, t)$ tashqi ta'sir funksiyasini ham (8) kabi tasvirlab, (10) ni e'tiborga olsak

$$I_2(\gamma r)B = -\frac{1}{\gamma^2} M_0^{-1}[f_{r\theta}] \quad (16)$$

tenglikka ega bo'lamiz.

Chegaraviy shartning (16) ifodasidagi I_2 funksiyani r bo'yicha qatorga yoyib, hamda B integrallash o'zgarishi o'rniga uning (13) ifodasini qo'yib quyidagini hosil qilamiz

$$2 \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r/2)^{2n+2}}{n!(n+2)!} \gamma^{2n+2} U^{(0)} = M_0^{-1}[f_{r\theta}^{(0)}]. \quad (17)$$

Endi (17) tenglamada teskari almashtirishni amalga oshirsak U ga nisbatan tenglamaga kelamiz

$$2 \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r/2)^{2n+2}}{n!(n+2)!} \lambda_2^{n+1} U = M^{-1}[f_{r\theta}]. \quad (18)$$

Yuqorida $\gamma^2 = \rho M_0^{-1}(p^2 - \Omega^2) - k^2$ kabi belgilangan ifodaga asosan (z, t) o'zgaruvchilarda λ_2^n operatorning quyidagiga tengligini ko'rish qiyin emas

$$\lambda_2^n = \left[\rho M^{-1} \left(\frac{\partial^2}{\partial t^2} - \Omega^2 \right) - \frac{\partial^2}{\partial z^2} \right]^n, \quad n = 1, 2, \dots \quad (19)$$

Hosil qilingan (18) tenglama (19) operatorga mos holda ko'chishning bosh qismi U ga nisbatan tartibi cheksiz katta bo'lgan integro-differensial tenglamadir. Bu tenglama simmetriya o'qi atrofida o'zgarish burchak tezlik bilan aylanuvchi doiraviy qovushoq-elastik sterjenning buralma tebranishlarining umumiy tenglamasidan iboratdir.

Ko'chishning (15) ifodasida teskari integral almashtirishni bajarib, λ_2^n operatorning (19) ko'rinishini hisobga olgan holda buralma ko'chish uchun quyidagi formulani hosil qilamiz

$$U_{\theta}(r, z, t) = 2 \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r/2)^{2n+1}}{n!(n+1)!} \lambda_2^n U. \quad (20)$$

Kuchlanishlarni kiritilgan buralma ko'chishning bosh qismi - U funksiya orqali hisoblash formulalarini chiqarish uchun bajarilgan amallarni (3) formulalarga ko'ra aniqlanuvchi $\sigma_{r\theta}$ va $\sigma_{z\theta}$ kuchlanishlar uchun ham bajarib, ularni (18) tenglamaning yechimi orqali ifodalaymiz

$$\sigma_{r\theta}(r, z, t) = 2M \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r/2)^{2n+2}}{n!(n+2)!} \lambda_2^{n+1} U;$$

$$\sigma_{z\theta}(r, z, t) = 2M \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r/2)^{2n+1}}{n!(n+1)!} \lambda_2^n \frac{\partial}{\partial z} U. \quad (21)$$

Ko'chishlarning (20) va kuchlanishlarning (21) formulalari yordamida, vaqtning ixtiyoriy payti uchun, aylanuvchi qovushoq-elastik sterjenning ixtiyoriy kesimidagi kuchlanganlik-deformatsiyalanganlik holatini (18) ning umumiy yechimi orqali talab qilingan aniqlikda topish mumkin.

Yuqorida keltirib chiqarilgan (18) tenglamaning darajasi cheksiz katta bo'lganligi sababli amaliy masalalarni yechish uchun undagi hadlarning sonini cheklash, ya'ni uning tarkibidagi cheksiz qatorning birinchi, ikkinchi va hokazo hadlari bilan chegaralanish kerak bo'ladi. Qatorning chekli sondagi hadlari bilan chegaralanish mumkin ekanligi uning yaqinlashuvchi ekanligidan kelib chiqadi. Ushbu mulohazaning o'rinni ekanligi [1] monografiyada doiraviy silindrik qatlamlar uchun isbotlangan. Doiraviy sterjen doiraviy silindrik qatlamning ichki radiusi nolga teng bo'lgan xususiy holi bo'lganligidan bu tasdiq sterjen uchun ham o'rindir. Shu sababli agar (18) da $n=0$ deb olsak, quyidagi ikkinchi tartibli tenglamaga ega bo'lamiz

$$\frac{r_0^2}{4} \left(\rho M^{-1} \left(\frac{\partial^2}{\partial t^2} - \Omega^2 \right) - \frac{\partial^2}{\partial z^2} \right) U = M^{-1}[f_{r\theta}]. \quad (22)$$

Agar $n=1$ deb olsak to'rtinchi tartibli tebranish tenglamasiga ega bo'lamiz

$$\begin{aligned} & \frac{r_0^2}{48} \left(\rho^2 M^{-2} \frac{\partial^4}{\partial t^4} - 2\rho^2 M^{-2} \Omega^2 \frac{\partial^2}{\partial t^2} + \rho^2 M^{-2} \Omega^4 - \right. \\ & \left. - 2\rho M^{-1} \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial z^2} + 2\rho M^{-1} \Omega^2 \frac{\partial^2}{\partial z^2} + \frac{\partial^4}{\partial z^4} \right) U + \\ & + \frac{r_0^2}{4} \left(\rho M^{-1} \left(\frac{\partial^2}{\partial t^2} - \Omega^2 \right) - \frac{\partial^2}{\partial z^2} \right) U = M^{-1}[f_{r\theta}]. \quad (23) \end{aligned}$$

huningdek sterjendagi kuchlanganlik-deformatsiyalanganlik holatini ifodalovchi ko'chishning (20) va kuchlanishlarning (21) formulalarida ham yuqoridagi kabi cheklanishlarni qo'llasak, ushbu

$n = 0$ da

$$U_\theta = r_0 U; U_\theta = rU + \frac{r^3}{16} \lambda_2 U$$

$$\sigma_{r\theta} = \frac{r^2}{4} \left(\frac{\partial^2 U}{\partial t^2} - M \frac{\partial^2 U}{\partial z^2} \right); \quad (24)$$

n = 1 da

$$\sigma_{r\theta} = M \left(\frac{r^2}{4} \lambda_2 U + \frac{r^4}{48} \lambda_2^2 U \right);$$

$$\sigma_{z\theta} = rM \frac{\partial U}{\partial z}; \quad \sigma_{z\theta} = M \left(r \frac{\partial U}{\partial z} + \frac{r^3}{8} \lambda_2 \frac{\partial U}{\partial z} \right)$$

formulalarga ega bo'lamiz.

Oxirgi formulalar sterjenning buralma tebranishlari to'g'risida amaliy masalalar yechishda chegaraviy shartlarni shakllantirishga, shuningdek (22) yoki (23) tenglamalarning yechimlari orqali kuchlanishlarni hisoblashga imkon yaratadi.

Keltirib chiqarilgan (22) va (23) tenglamalar $\Omega=0$ bo'lgan xususiy holda [6] monografiyadagi qovushoq-elastik sterjenning buralma tebranishlarning klassik va aniqlashtirilgan tenglamalari bilan mos tushadi. Qovushoq-elastik sterjenning buralma tebranishlari uchun taklif etilayotgan ushbu tenglamalarning shu vaqtgacha ma'lum bo'lgan tenglamalardan farqi sterjenning aylanish effektini, aylanish inersiyasi va ko'ndalang siljish

deformatsiyasi ta'sirlarini aylanish effektining tebranishlarga ta'siri bilan birgalikda hisobga olishi, hamda sterjenning ixtiyoriy kesimidagi kuchlanishlar va ko'chishlar maydonlarini koordinatalar bo'yicha vaqtning istalgan momenti uchun talab etilgan aniqlikda hisoblash algoritmining mavjudligidir.

Adabiyotlar:

1. Худойназаров Х. Х. Нестационарное взаимодействие цилиндрических оболочек и стержней с деформируемой средой.-Ташкент: Изд. им Абу Али ибн Сино. 2003.-326 с.
2. Кристенсен Р. Введение в теорию вязкоупругости.-М.: Изд-во "Мир".1974. - 340 с.
3. Rand Omri and Stavsky Yehuda. Free Vibrations of Spinning Composite Cylindrical Shells. International Journal Solids and Structures. Vol. 28. No 7. 1991. pp. 831-843.
4. Снеддон И. Преобразование Фурье.- М.: Иностранная литература. 1955. - 667 с.
5. Никифоров А.Ф., Уваров В.Б. Специальные функции математической физики. - Москва: Наука. 1978. - 320 с.
6. Филиппов И. Г., Чебан В. Г. Математическая теория колебаний упругих и вязкоупругих пластин и стержней. - Кишинев: Штиинца. 1988. - 190 с.

УДК 519.1

КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ МАСАЛАСИНИ МАТЕМАТИК ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЁРДАМИДА ЕЧИШ

Жўраев О.Ж., Нишанов Ю., Рахмонова Ш., Жўраев А.Х. (СамДАҚИ)

Бу ерда сув ва газ таъминоти тармоқларини лойиҳалаштириш масалаларидан бири: текисликдаги нукталардан энг катта масофасини оптималлаштирувчи (бизнинг масаламизда минималлаштирувчи) тўғри чизикни жойлаштириш (танлаш) масаласи қаралади. Бунинг учун тузилган математик моделда хизмат кўрсатилувчи(истеъмолчи)лар текисликдаги нукталар орқали, хизмат кўрсатувчи (ташкilot) эса текисликдаги тўғри чизик орқали ифодаланган.

Здесь рассматривается одна из задач проектирования водопроводных и газораспределительных сетей: нахождение такой оптимальной прямой на плоскости, минимизирующей наибольшее расстояние от заданных точек плоскости. Для этого в математической модели обслуживаемые клиенты (потребители) обозначаются в виде точек плоскости, а обслуживающий(организация) в виде прямой на плоскости.

Сув ва газ таъминоти тармоқларини лойиҳалаштириш масалаларини ечишда уларнинг математик моделини яратиш, шунингдек сув ва газ таъминоти тармоқларини оптимал жойлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун коммунал хизмат кўрсатилувчи (истеъмолчи)лар текисликдаги нукталар орқали, хизмат кўрсатувчи (ташкilot) эса текисликдаги тўғри чизик орқали ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкilot истеъмолчиларга қулай шаклда жойлаштирилиши муҳим бўлади

(хизмат кўрсатувчи ташкilotни истеъмолчиларга нисбатан оптимал жойлаштириш масаласи қўйилади).

У ёки бу маънодаги оптимал (бизнинг масоламизда энг катта масофани минималлаштирувчи) тўғри чизикни яшаш масаласи сув ва газ таъминоти тармоқларини оптималлаштириш масалалари (масалан, коммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, уларнинг жойлашишини оптималлаштириш)дан ташқари, бевосита математиканинг айрим масалаларида

хам (хусусан, математик статистикада, регрессия тўғри чизикларини яшаш, шунингдек об-разларни аниқлаш назарияси масалаларини ечишда) қўлланилади [1, 2]. Оптимал тўғри чизик яшаш масалаларининг энг кўп учрайди-ганларини санаб ўтамыз:

1. Изланадиган тўғри чизик узунлигини энг қисқа қилиб танлаш.

2. Берилган нукталардан тўғри чизиккача бўлган масофалари йиғиндиси энг кичик бўлган тўғри чизикни танлаш.

3. Берилган нукталардан тўғри чизиккача бўлган энг катта масофани минималлаштириш.

Куйида текисликда берилган n та нукталар системаси учун шу нукталаргача бўлган энг катта масофани минималлаштирувчи тўғри чизикни жойлаштириш (танлаш) масаласи қаралади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ишда оптимал тўғри чизик яшашнинг зарурий шарт-лари келтирилади.

$X=(x_1, x_2, \dots, x_n)$ – текисликдаги нукталар тўплами, s -шу текисликдаги тўғри чизик, $p(x_i, s)$ эса x_i нуктадан s тўғри чизиккача бўлган масофа бўлсин.

1-таъриф. Агар s_0 тўғри чизик $\max p(x, s)$ ни минималлаштира, у *оптимал тўғри чизик* деб аталади.

Ҳар бир s тўғри чизик X нукталар тўпламини куйидаги 3 хил тўпламга бўлади: $X_0(s)$, $X_1(s)$ ва $X_2(s)$. Бу ерда $X_0(s)$ - s тўғри чизик устида ётувчи нукталар тўплами, $X_1(s)$ ва $X_2(s)$ – s тўғри чизикнинг турли томонлари-да ётувчи нукталардан ташкил топган тўпламлар.

2-таъриф. $p(x_0, s) = \max p(x, s)$ тенгликни қаноатлантирувчи $x_0 \in X$ нукта s тўғри чизикдан *максимал узоқлашган нукта* деб аталади.

s тўғри чизикдан максимал узоқлашган нукталар тўпламини $X_m(s)$ билан белгилаймиз.

1-лемма. z_{ij} нукта $x_i \in X$ ва $x_j \in X$ нукталардан ташкил топган $[x_i, x_j]$ кесманинг ўртаси, s эса бу кесмани кесиб ўтувчи тўғри чизик бўлса,

$z_{ij} \in s$ бўлганда $p(x_i, s) = p(x_j, s)$ бўлади; x_i ва z_{ij} нукталар s тўғри чизикнинг турли томонлари-да бўлса, $p(x_i, s) < p(x_j, s)$ бўлади.

Исбот. z_{ij} нукта $[x_i, x_j]$ кесманинг ўртасида бўлса, $z_{ij} \in s$ бўлганда $p(x_i, s) = p(x_j, s)$ бўлиши табиий, акс ҳолда бу нукта кесманинг ўртаси бўла олмайди. Агарда x_i ва z_{ij} нукталар s тўғри чизикнинг турли томонларида бўлса, $p(x_i, s) < p(x_j, z_{ij}) + p(z_{ij}, s) = p(x_j, s)$ бўлади.

2- лемма. Агар s_0 - оптимал тўғри чизик бўлиб, $x_i, x_j \in X_m(s_0)$ нукталар s_0 оптимал тўғри чизикнинг турли томонларида ётса, z_{ij} нукта s_0 устида ётади.

Исбот. Тескарисини фараз қилайлик, яъни z_{ij} нукта s_0 устида ётмай, x_j нукта билан s_0 оптимал тўғри чизикнинг, бир томонида ётсин. У ҳолда 1- леммага кўра, $p(x_i, s) < p(x_j, s)$ бўларди. Шу сабабли, z_{ij} нукта s_0 устида ётади.

3-лемма. s_0 оптимал тўғри чизикнинг ҳар иккала томонида ҳам камида биттадан $X_m(s_0)$ тўпламга тегишли нукталар мавжуддир.

Исбот. Агарда s_0 оптимал тўғри чизикнинг бир томонида $X_m(s_0)$ тўпламга тегишли нукталар мавжуд бўлмаса, ҳамда $X_m(s_0)$ га тегишли нукталар $X_1(s_0)$ га тегишли бўлсин. У ҳолда s_0 тўғри чизикни $X_1(s_0)$ га тегишли бўлган нукталар тарафга силжитиш ёрдами-да шундай s_1 тўғри чизик топиладики, у $\max p(x, s)$ ни минималлаштира эди, бу эса мумкин эмас.

3-таъриф. $Z_i = (z_{ij} / j=1, 2, \dots, n; j \neq i)$ тўпламни $x_i \in X$ нукта учун *қавариқ қобик* деб атаймиз.

γ_i билан шу қавариқ қобикнинг чегарасини белгилаймиз. Маълумки, ҳар қандай икки Z_i ва Z_j қавариқ қобиклар умумий нуктага эга бўлади.

4-таъриф. Агар Z_i ва Z_j қавариқ қобиклар фақат чегаралари билан кесишса, улар *уринувчи қавариқ қобиклар* дейилади.

5-таъриф. Агар s тўғри чизик уринувчи Z_i ва Z_j қавариқ қобиклар учун умумий чегара-вий тўғри чизик бўлиб, бу қавариқ қобиклар унинг турли томонида ётсалар, у *ажратувчи тўғри чизик* дейилади.

4-лемма. Агар Z_i ва Z_j қавариқ қобиклар уринувчи бўлсалар, уларни ажратувчи ҳар қандай s тўғри чизик учун

$$x_i, x_j \in X_m(s)$$

бўлади.

Исбот. $z_{ij} \in Z_i \cap Z_j$ бўлгани учун, 2-леммага асосан z_{ij} нукта s тўғри чизик устида ётади ва 1-леммага кўра $p(x_i, s) = p(x_j, s)$. Фараз қилайлик, $x_i \in X_1(s)$, $x_j \in X_2(s)$ бўлсин. X_0 га тегишли нукталарни текшириб ўтириш шарт эмас.

s тўғри чизикнинг танланиши ва 1-леммага кўра, ҳар қандай $x \in X_1(s)$ учун

$$p(x, s) \leq p(x_j, s)$$

бўлади. Худди шундай ҳар қандай $x \in X_2(s)$ учун $p(x, s) \leq p(x_i, s)$ бўлади. Энди биронта $x_k \in X_1(s)$ учун $p(x_k, s) > p(x_j, s)$ бўлса, ёки Z_i ва Z_j уринувчи бўлмайди, ёки s тўғри чизик ажратувчи бўла олмайди. Шу сабабли, $x_i, x_j \in X_m(s)$ бўлади.

5-лемма. Агар s тўғри чизик учун $x_i, x_j \in X_m(s)$ ва x_i билан x_j нукталар s тўғри чизикнинг турли томонларида ётса, s тўғри чизик Z_i ва Z_j учун ажратувчи бўлади.

Исбот. Тескарисини фараз қилайлик, яъни умумийликни йўқотмасдан s тўғри чизик Z_j ни кесиб ўтсин. У ҳолда камида битта шундай z_{jk} ($[x_j, x_k]$ кесманинг ўртаси) нукта топиладики, z_{jk} ва x_j нукталар s тўғри чизикнинг турли томонларида ётади. 1-леммага асосан $p(x_k, s) > p(x_j, s)$ бўлади, бу ерда $x_k \in X$ шундай нуктаки, Z_{jk} нукта $[x_j, x_k]$ нинг ўртаси бўлади. Демак, z_{jk} нукта $X_m(s)$ га тегишли эмас ва фаразимиз карама-қаршиликка олиб келди. s тўғри чизикнинг Z_i ни кесиб ўтмаслиги ҳам худди шундай исботланади. Шу сабабли, s – ажратувчи тўғри чизикдир.

6-лемма. Агар s_0 - оптимал тўғри чизик бўлса, шундай $x_j \in X_m(s)$ нукта

мавжуд бўладики, s_0 тўғри чизик γ_j га тегишли қиррага эга бўлади.

Исбот. 2-леммага кўра, s_0 нинг турли томонларида ётувчи иккита $x_i, x_j \in X_m(s_0)$ нукталар мавжуд бўлади. 3-леммага асосан эса, $z_j \in s_0$. У ҳолда 5-леммага кўра, s_0 тўғри чизик Z_i ва Z_j лар учун ажратувчи бўлади. Агар s_0 тўғри чизик $\gamma_i \cup \gamma_j$ га тегишли қиррага эга бўлмаса, s_0 ни z_j нукта атрофида шундай бурамизки, x_i ва x_j нукталардан s_0 гача бўлган масофалар қатъий камайдилар (бу нарса ҳамма вақт ўринлидир). Бу буришни то $\gamma_i \cup \gamma_j$ га тегишли

биронта кесманинг ўртаси z_{ks} га урингунгача давом эттираемиз. Натижада шундай янги s тўғри чизик топамизки, $p(x_j, s) < p(x_j, s_0)$ бўлади.

S тўғри чизик 4-лемма шартини каноатлантиргани учун, $x_i, x_j \in X_m(s)$ ва ҳар қандай $x_0 \in X \setminus \{x_i, x_j\}$ учун

$$p(x_0, s) \leq p(x_j, s) \leq p(x_j, s_0)$$

тенгсизлик ўринли бўлади. Натижада карама-қаршиликка келдик ва

s_0 тўғри чизик $\gamma_i \cup \gamma_j$ га тегишли қиррага эга бўлади.

Теорема. Оптимал тўғри чизик s_0 куйидаги хоссаларга эга:

1. s_0 тўғри чизик Z_i ва Z_j уринувчи каварик қобикларни ажратувчи бўлади.

2. s_0 тўғри чизик $\gamma_i \cup \gamma_j$ га тегишли бўлган ва z_{ij} нуктага тегиб турувчи тўрт қиррадан камида биттасини ўз ичига олади.

Адабиётлар:

1. Draper N.R., Smith H. Jr., Applied Regression Analysis, Wiley, New York, 1966.

2. Джонсон Н., Лион Ф. Статистика и планирование эксперимента в технике и науке. Методы обработки данных. М., «Мир», 1980.

ПРОФЕССОР МУҲАММАД ҚОСИМОВИЧ АҲМЕДОВНИНГ ИЛМИЙ МАКТАБИ



Муҳаммад Қосимович 1947 йил, 20-май куни Бухоро вилоятининг Гиждувонда туманида туғилди. У 1965 йилда 2-сон ўрта таълим мактабини тамомлаб, Тошкент Политехника институтининг Меъморчилик факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳда устозлари – машҳур олимлар, халқ меъмори, профессорлар А.Бобохонов, В.Нильсен, Ч.Аҳмаров, сингари меъморчилик ва санъат даргаларидан таҳсил олди. Унинг, шу жумладан, машҳур рассом, профессор Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида ба-жарилган “Тошкент шаҳридаги ижодий уюшмалар уйининг бадий безаги” мавзусидаги курс иши 1969 йили Буэнос-Айрес (Аргентина) даги халқаро кўргазмада ва собиқ СССР ва ЎзССР ВДНХларидаги кўргазмаларида кенг намоиш этилди.

Ёш меъмор Муҳаммад Аҳмедов мазкур институтни 1970-йилда имтиёзли тугатиб, СамДАҚИнинг “Меъморий лойиҳалаш” кафедрасига ассистент лавозимида ишга юборилди. Олим ўзининг 47 йиллик илмий педагогик фаолияти давомида – ассистент, кафедра мудири, декан муовини, Меъморчилик факультети декани лавозимларида ва 1997 йилдан то 2011 йилга қадар Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институтида илмий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлаб келди. 2011-йилдан буён эса ТАҚИ Архитектура факултетига декан вазифасида, кейинроқ эса “Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” кафедраси мудири лавозимларида ишлаб келди.

М.Қ.Аҳмедов – ЎзР Меъморлар уюшмаси бошқарувининг аъзоси. У нафақат вилоят ва республикада, балки хорижий давлатларда ҳам меъморчилик соҳасида таниқли олимдир. Бу-

ни, олимнинг ТАҚИ, Озарбайжон ва Қозоғистон Бош меъморчилик қурилиш академияларида ташкил этилган докторлик диссертацияларини химоя қилиш бўйича Ихтисослашган Илмий Кенгаш аъзоси эканлигида ва Япониянинг Кейо университети ташкил этган “Буюк ипак йўли тарихий шаҳарларининг тараққиёт йўллари тадқиқ этиш муаммолари” Хақаро илмий дастурида иштирок этиб, унинг Кунмин (ХХР), Самарқанд, Боку, Уфа шаҳарларида ўтказилган анжуманларида қатнашиб, илмий маърузалар қилганлигида кўриш мумкин. Шунингдек Муҳаммад Аҳмедов қатор бошқа халқаро тadbирлар иштирокчиси. У киши Ўрта Осиё тарихий шаҳарлари ва меъморий ёдгорликлари ҳақида Массачусетс Технология институти (АҚШ), Рим университети ва Меъморлар малака ошириш маркази (Италия), Стамбул Юлдуз техника университети (Туркия), Озарбайжон давлат меъморчилик ва қурилиш университети сингари хорижий таълим марказларида маърузалар ўқиган, хорижий докторантларга маслаҳатчилик қилган. Меъморчилик соҳасидаги мана шу хизматларни ҳисобга олиб Шарқ мамлакатлари халқаро меъморчилик академияси М.Қ.Аҳмедовни 2004 йили мухбир-аъзоликка қабул қилди. М.Қ.Аҳмедов ўзининг фандаги ютуқларини буюк олимлар, устозлари академиклар Г.А.Пугаченкова ва М.С.Булатов номлари билан боғлайди. Зеро, мана шу устозлар раҳбарлигида у 1982 йилда меъморчилик дурдонаси ҳисобланган “Ўрта Осиё меъморий ансамблларининг шаклланиши ва ривожланиш йўллари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини собиқ Иттифокнинг нуфузли меъморий маркази ҳисобланмиш Москва Архитектура институтида химоя қилди.

1996 йилда эса шу илмий йўналишнинг Ўзбекистон учун методологик аҳамиятга эга бўлган илмий томонини ечиб, “Ўзбекистон ўрта асрлар меъморий ансамбллари тараққиётининг тарихий-назарий асослари” номли докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. У ўзининг илмий изланишларида Ўзбекистонда меъморий ансамбллар тараққиётининг тарихий-назарий асосларини тадқиқ этиб, унинг қонуниятларини очиб берди, ушбу мажмуаларнинг меъморий шаҳарсозлик таснифий тизимини яратди, ўрта асрлар шаҳарсозлигида меъморий лойиҳалаш, ансамбллар тизими мавжуд бўлганлигини илк бор исботлаб берди.

М.Қ.Аҳмедов ўзининг самарқандлик шогирди Д.Н.Султонова билан ҳамкорликда Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейини нишонлаш олдидан иккита ҳужжатли фильм киносценарийси, ҳамда бир неча буклетлар ва китобларни нашрга тайёрлашда иштирок этиб, жумладан “Самарқанд қоғози” ҳужжатли телефильмини Ўзбекино Агентлиги томонидан 2007 йилда яратилишига эришди. Мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиб келади. Домла раҳбарлигида бугунгача битта фан доктори, учта фан номзоди тайёрланган ҳамда бир неча ўнлаб докторант, аспирант ва магистрантларнинг диссертацияларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Имом ал-Бухорий ва ал-Мотурудий мемориал мажмуаларининг М.Қ.Аҳмедов ўз шогирдлари билан ишлаб чиққан лойиҳалари Ўзбекистон ҳукумати томонидан бўлажак ишлар учун тақлиф сифатида расман қабул қилинган ва амалга оширилган эди.

Қаҳрамонимиз меъморий амалиётда “Устоз-шогирд” тизимида ҳам қатор ишларни бажарган ва қуйидаги лойиҳалар муаллифидир: Қўшработ тумани марказининг бош режаси ўша тумандаги “Узумзор чойхонаси лойиҳаси, Ургут шаҳридаги монументал композиция, Имом Бухорий мажмуасидаги мадраса ва бошқалар. Унинг 1991 йилда Мирзо Улуғбек маркази халқаро лойиҳаси танловида бажарган иши 600 дан ортиқ лойиҳалар орасидан энг саралаб олинган 26 тасининг таркибига кирган ва Республика марказий меъморчилик журналларида чоп этилган. Бундан ташқари, домла 1970 йилларда Археология институти билан ҳамкорлик ишларини олиб бориб, Афросиёб шаҳристонида қатор объектларни тадқиқ этиб, IX–XII асрлар жоме масжидининг график реконструкциясини бажарган.

Кейинчалик, 2006 йилда Қозоғистондаги Оқтов шаҳридаги Университет ўқув комплек-

сининг тақлифий лойиҳасини яратиш бўйича кўшни Республикадаги махсус давлат буюртмасини олиб, самарқандлик шогирдлари билан унинг муваффақиятли тақдимот маросимини ҳам ўтказди. Юқоридаги хизматлари учун, профессор Муҳаммад Қосимович Аҳмедов 1992 ва 2006 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллик” кўкрак нишонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси 1-Президентининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланди.

Устоз Ўзбекистон меъморчилик мактабининг асосчиларидан бири бўлиб, бир пайтнинг ўзида ҳам Самарқанд ҳам Тошкент архитектура мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшган бахтли олимлардандир.

Олим 10 га яқин академик нашрда чоп этилган китоб ва монография, рисола ва дарслик, 150 дан зиёд илмий, 40 дан ортиқ илмий-ижодий ва амалиётга жорий этилган ишларнинг муаллифидир. Мунтазам равишда фундаментал ва давлат грант дастури ғолиби бўлиб, унинг раҳбарлиги остида ўнлаб мутахассислар тадқиқот олиб боришмоқда. 2016 йил Устоз ўзининг ҳалол ва кўп йиллик илмий меҳнатлари ва “Устоз-шогирд” тизимидаги ютуқлари ўлароқ, “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” республика танлов босқичининг мутлақ ғолиби бўлди ва Олий таълим вазирлиги томонидан муносиб равишда тақдирланди.

Қолаверса, гуллаб-яшнаётган Озод ва Мустақил юртимизда меъмор ва қурувчиларни тайёрлаш бўйича Тошкент ва Самарқанд Олий мактабларида, келажак авлод меъмор кадрларининг сифатли тарбияси учун профессор М.Қ.Аҳмедов каби салоҳиятли мутахассисларнинг илмий мактаби тимсоли айниқса аҳамиятлидир.

Таҳририят

МУНДАРИЖА

МЕЪМОРЧИЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙН
АРХИТЕКТУРА, ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

Уралов А.С., Эшпўлатова М.Р. Ўрта Осиёда Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилигининг бадий хусусиятлари.....	3
Салимов А.М., Абдураимов Ш.М. Художественно-стилевых традиций в архитектуре Самарканда.....	6
Дробченко Н.В., Урунова Н.Х. Цвет в ландшафте города.....	11
Шукуров И. С., Давронов П. З., Бекназаров М. Б. Рекреационная освоенность гор долины «Окбулок» село Джам нурабадского района и перспективы ее оптимальной организации.....	15
Абкеримов С. А. Промышленный дизайнер и современное общество.....	18
Усмонов Қ.Т., Бурхонова Н.А. Жиззах шахрининг архитектуравий-режавий ташкил этилиши тахлили (ишлаб чиқилган бош режалар асосида).....	19
Балгаева Ш.А. Ландшафт дизайнида ер рельефи билан боғлиқ ландшафт қурилмалари.....	22
Камбарова О.С. Кўхна Хоразм заргарлик санъат.....	24
Нигматова Ф.У., Мирталипова Н.Х. Современные проблемы дизайна и использование модульного проектирования в изготовлении одежды.....	26
Исрайилов Э.Х., Сафоев Д.А, Юлдашева М.К., Шаймарданова М.С. Основные принципы формирования и совершенствования новых типов зданий средних специальных, профессиональных колледжей сельскохозяйственного профиля.....	29
Назарова Д. М. Тошкентдаги Юнусобод Октепа қасри тарихи.....	33
Юлдашева М.К., Ибрагимов Н.Х., Рахманова М.Б. Террасные жилые дома на сложном рельефе для горных районов Узбекистана.....	34
Лукмонов Д.Қ., Рахимов Л.А. Қалаи кўхна масжиди.....	37
Кадирова С. Особенности современного зеленого насаждения городов Узбекистана.....	39
Бабакандов О.Н., Абдиев Х.Дж., Юнусова К.Б. Цвет в помещении.....	41
Матчонов Б.Г., Саидов М.С. Хоразм меъморлигида турар жой қурилиш усуллари.....	44
Жонузаков А. Э Содда ва мураккаб топиар фигуралар.....	46
Сафарова Н., Сафаров А., Суванкулов С. Ўзбекистон рангасвир санъатида рассомларнинг кириб келиши.....	47
Саттарова К.Д. Структура городского ландшафта.....	50
Камилова Х.Х. Зарубежный опыт реновации бывших промышленных территорий.....	53
Адилова М. С. Значение инфраструктуры в экологизации городов Узбекистана.....	56
Урунова Н.Х. Элементы и направления развития городского дизайна.....	58
Султанова Д.Н. Реконструкция и реставрация настенной росписи в музее Афрасиаб города Самарканда.....	60
Заиров Р.З., Аджитарова Г.А., Заирова Ф.Р. Формирование пешеходных улиц города Самарканда.....	65
Zargarova N.A. Xo'jamov Z.S. Noyob xattotlik san'ati - ma'naviyatimiz durdonasidir!.....	67
Сереева Г.А. Тошкент шаҳари маҳалла ва маҳалла марказларининг замонавий шаклланиши.....	69

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ, БИНО ВА ИНШОТЛАР
СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ, ЗДАНИЯ И СООРУЖЕНИЯ

Сагатов Б.Ў., Зокиров Ж.А., Норматова Н.А. Прочность нормальных сечений железобетонных блоков, усиленных высокопрочными полимерами.....	72
Клеблеев Э.К., Клеблеев А.Э., Касимов Т.К. Проблемы гибкого этажа при строительстве зданий в сейсмоопасных районах.....	75
Razzakov N.S. Peculiarities of behavior and design of large size panel shells with the use of the bending theory.....	79
Тулаков Э.С., Қурбонов А.С., Иноятов Д.Т., Алиходжаев П.А. Технология строительства пассивного энергосберегающего дома (Проблема сохранения энергии).....	82
Тошхужаев А.У., Хидоятлов З.Д. Установление требуемой плотности укладки материалов в тело Пскемской плотины.....	85
Фридман Г.С., Санаева Н.П. Расчет стальной большепролетной фермы с учетом жесткости узлов.....	87
Хакимов Г.А., Хасанов Ж.О. Процесс изменение прочностных характеристик увлажнённых лёссовых грунтов при статических и динамических условиях.....	90

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

Тургунбаев У.Ж. Эффективные строительные материалы на основе отходов деревопереработки и металлургической промышленности.....	94
---	----

Аъзамов Т.Н. Ражабов Н.А., Эшмуродов М.Х. Исследование фазовых и химических преобразований керамических масс при обжиге	96
Тургунбаева Ж.Р. Наполненные гипсовые композиции с химическими добавками	98
Кадырова Ш. Ш., Тургунбаева Ж.Р. Путь развития расчета на сейсмостойкость	100

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

Айматов Р.А, Усмонов Ҳ.С., Айматов Р.Р. Чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи саноат печларида газ ёқилгисидан унумли фойдаланишни тадқиқ этиш.	103
Рашидов Ю.К., Уктамов Р.Ш., Иноятлов Д.Т., Исмоилов А.И. Повышение надёжности и эффективности Самодренируемых водяных систем солнечного теплоснабжения сифонного типа	104
Халилов Н., Турсунов Ж. Шифер ишлаб чиқариш технологиялари ва корхона сув таъминотининг ёпиқ занжирли тизимини жорий қилган ҳолда ривожланишнинг иқтисодий истиқболлари.	107
Шуқуров Ғ., Эгамова М. Янги намунавий лойиҳа асосида қурилатган турар жой биноларини ташқи деворларларининг энергия самарадорлигини ошириш.	109
Бобоев С.М., Келдиёрова Ғ., Бурхонов. Х. Определение количества выбросов в атмосферу от производства шифера.	111
Мирзаев А., Якубов К.А, Ахмедова Ф.И. Сточные воды образующихся в процессе добычи полезных ископаемых в условиях Узбекистана	113
Gadayev A.N., t.f.n., dosent; Usanova S. Artezian quduqlarning filtrlari va filtr oldi sohasida tuzli cho'kma qatlamlarining hosil bo'lish kinetikasi	116
Адилов О К., Қўшбоқов И.С. Йўл - транспорт ҳодисаларни камайтиришда спиртли ичимликка қараши оғохлантирувчи тизим тахлили.	119
Маҳмудова Ш.Ж. Геологик жараёнлар ва улар таъсирида ҳосил бўлган муъжизалар	103

ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА СТРОИТЕЛЬСТВА И УПРАВЛЕНИЕ

Каржавов З.К., Суюнова Я.М., Раҳманова Ф.М. Қурилиш материаллари корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш йўллари	122
Суюнова А.С., Каржавов З.К. Роль качества в обеспечении конкурентоспособности продукции строительства	124
Бобоев С.М., Суюнов А.С., Суюнов Б.А., Бобоев Х.С. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари	125
Шакирова У. С., Эшматова Ю. Роль прямых иностранных инвестиции в развитии малого бизнеса в Узбекистане	127
Камалова М. Ш. Актуальность изучения безопасности жизнедеятельности в учебных заведениях	129
Муҳитдинов А.А. Абдурахманов Р.А. Транспорт оқимининг ҳаракатини моделлаштириш ҳисобига йўл ҳаракати самарадорлигини ошириш	131
Усмонов И.А., Буриев Х.Т., Гиясова З.Х. Основные направления совершенствования социальной мотивации сотрудников строительных организаций	133

ИНЖЕНЕРЛИК ИНШООТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Бакиев М.Р., Ҳайитов Х.Ж. Оценка влияния освоения междомного пойменного пространства на длину области сжатия	136
Бакиев М.Р., Шукурова С.Э. Гидравлические параметры потока несимметрично стесненного комбинированными дамбами	138
Xudonazarov X., Xudayberdiyev Z., Xudayberdiyeva Sh. Xususiy ko'rinishdagi uch qatlamli plastinkaning bo'ylama tebranish tenglamalari	140
Холманов Н.Ю. Омонов Ш.Б. Гашение вынужденных колебаний пружинным одномассным инерционным гасителем	142
Тўраев И.Х. Механикани вариацион принциплари шаклланиши ва тадбиғи ҳақида айрим маълумотлар	145
Кудратов А.Э., Абдирашидов А. Применение методов синус-косинус функций к решению уравнений Буссинеска	149
Yaxshiboyev S. R. Xurramov X. Q. Aylanuvchi doiraviy qovushoq-elastik sterjenning buralma tebranishlari	152
Жўраев О.Ж., Нишанов Ю. Раҳмонова Ш., Жўраев А.Х. Коммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш масаласини математик оптималлаштириш ёрдамида ечиш	155
Профессор Муҳаммад Қосимович Ахмедовнинг илмий мактаби	157

**ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ ЖУРНАЛА
«Проблемы архитектуры и строительства»**

1. Объём статьи не более 4 страниц машинописного текста. Текст статьи печатается через 1 интервал, размер шрифта 12 пт. Рисунки шириной не более 9 см. Формулы – в редакторе Microsoft Equation.

2. К статье прилагаются: список литературы, аннотации на узбекском, русском и английском языках (объём 3-5 строки). Титульная страница должна содержать: УДК, название статьи, затем фамилию (или фамилии) и инициалы автора (ов).

Под списком литературы указать институт или организацию, представившую статью, а также указать сведения об авторах и их контактные телефоны.

3. Для каждой представляемой статьи должен быть представлен акт экспертизы той организации, где работает автор.

4. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте, а также в распечатанном виде - 2 экз.

5. Представленная статья проходит предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы, статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи.

6. Автор(ы) должны гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

Редколлегия

Мухаррирлар: Х.М.Ибрагимов, Ш.Қосимова.
Корректорлар: т.ф.н. доц. В.А.Кондратьев, У.Хушвақтов.
Компьютерда саҳифаловчи: Х.М.Ибрагимов

Теришга 2017 йил 18 июнда берилди. Босишга 2017 йил 29 июнда рухсат этилди.
Қоғоз ўлчами 60x84/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,9. Қоғози – офсет.
Буюртма № 17/2. Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

СамДАҚИ босмаҳонасида чоп этилди.
Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70. Email ilmiy-jurnal@mail.ru